


**Таштемиров Р.М., Нарзиев Б.Д.,
Узокова Д.П.**

«ОТ ТРЕНИНГИ АСОСЛАРИ»



САМАРҚАНД – 2009 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

5А640111 - "Тренинг ва от касалликлари" мутахассислиги
учун

«ОТ ТРЕНИНГИ АСОСЛАРИ»

фанидан

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



САМАРҚАНД – 2009 й.

619.1 : 636.1

0-86

Ўқув қўлланма "От тренинги асослари" фани бўйича, "Ветеринария, зоотехния ва қорақўлчилик" фальтетининг, 5А640111 "Тренинг ва от касалликлари" мутахассислиги, 2-босқич мисистрларлари учун мўлжалланган.


Ўқув қўлланма "Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология" кафедрасининг да бўлиб ўтган № сон йиғилишида кўриб чиқилди.

Ўқув қўлланма институт Услубий комиссиясида да бўлиб ўтган № сон йиғилишида кўриб чиқилди.

Ўқув қўлланма институт Илмий кенгашида да бўлиб ўтган № сон йиғилишида тасдиқланди ва чоп этишига рухсат этилди.

- Тузувчилар:**
1. Таштемиров Р. М., «Ҳайвонлар, анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси доценти.
 2. Нарзиев Б.Д., «Ҳайвонлар, анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси доценти.
 3. Узакова Д.П., Самарқанд «Темир йул» коллежи методисти.

- Тақризчилар:**
1. Мусинов Я.Х., «Ҳайвонларни оқилантириш ва зоогигиена» кафедраси доценти
 2. Сайдалиев Д., Самарқанд вилоят ветеринария бошқармаси бошлиги муовини, и. ф. и.



№	МУЎДАРИЖА:	бетлар
	Кириш.	- 4
I-боб	От тренинги. Отларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси	- 4
1.1.	Иилкичиликда от тренингининг ахамияти	- 4
1.2.	Тренер ишининг ахамияти	- 5
1.3.	Отларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси	- 7
1.4.	От зотлари	- 10
II-боб	Отларнинг морфо – функционал тазсифи.	- 17
2.1.	Отларнинг конституцияси ва экстеръери	- 17
2.2.	От тана тузилишининг типлари. От туслари	- 26
2.3.	От харакат аъзоларининг анатомик хоссалари	- 27
2.4.	От харакат аъзоларининг физиологик хусусиятлари	- 31
2.5.	От тренингида асаб тизимининг ахамияти	- 34
III-боб	От тренингида қўлланиладиган қурилмалар ва от абзаллари.	- 37
3.1.	От тренингида қўлланиладиган қурилмалар	- 37
3.2.	Отларни машқ килдиришда фойдаланиладиган инвентарлар (от абзаллари)	- 41
IV-боб	Турли ёшдаги ва йуналишдаги отлар тренинги	- 48
4.1.	Еш отларни тренинга тайёрлаш	- 48
4.2.	Отларни сувликка ургатиш	- 52
4.3.	Еш отларни озиклантириш. Отларнинг сувга булган талаби	- 53
4.4.	Аллюр турлари	- 57
4.5.	Отларнинг харакатланиш хусусиятлари	- 59
4.6.	Тойлар тренинги.	- 60
4.7.	Бирярим, икки яшар отларни йил фасллари буйича тренинг килдириш	- 63
4.8.	Йуртоқи отларни ипподромда машқ килдиришда қўлланиладиган химоя мосламалари. Машқлар тартиби	- 66
4.9.	Санг минилувчи отларни машқ килдириш ва ипподромда синнаш тартиби	- 70
4.10.	Огир юк тортувчи отлар тренинги	- 72
4.11.	Ишчи отлар тренинги	- 73
4.12.	От спортининг классик турлари	- 77
V-боб	От туёқларини парваришлаш ва такалаш.	- 80
5.1.	Отларни такалаш	- 80
5.2.	Спорт отларининг туёқларини парваришлаш ва такалаш хусусиятлари	- 86

Кириш

Йилкичилик чорвачиликнинг муҳим тармоги ҳисобланади. Отлар турли мақсадлар - ишлатиш, спорт, миллий от уйинлари, маҳсулот олиш ва бошқа соҳаларда қўллан учун кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлар механизация ёрдамида бажарилган ҳолда, баъзи ишларда от кучидан ҳам фойдаланилади. Ундан ташқари от спорти ва унга булган кизиқиш кейинги йилларда катта истикболлар очди. Юқори классли спорт отларига булган талаблар ҳам жуда ортиб бормоқда. От спорти билан кўп сонли мутахассислар шуғулланиди, от спорти мусобақаларини ўтказиш одат тусига кириб қолди ва Республиканинг спортчилари халқаро мусобақаларда фаол катнашадилар. Демак, халқ хўжалигида механизация юқори даражада ривожланган ҳолда ҳам йилкичилик ўз аҳамиятини мутлақо йўқотмаган.

1. БОБ ОТ ТРЕНИНГИ. ОТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

1.1. Йилкичиликда от тренингининг аҳамияти

Йилкичиликни ҳар тамонлама ривожлантириш тадбирлари отларнинг ҳужайна ва биологик хусусиятларини чуқур ўрганишга асосланади. Отларнинг тез етилувчанлиги улар организмнинг ривожланиш жараёнини яхшиловчи шароитлар билан тизиб боғлиқдир. Бундай шароитларга отларни *тренинг қилдириш* қиради. Тренинг от соғлигини яхшилайти, иш қобилиятини, шароитга мосланувчанлик хусусиятини ва ҳар хил касалликларга чидамдирлигини оширади. От тизимли равишда тренинг қилдириб ва синаб турилмаса ҳар қандай от зоти ҳам такомиллашмайди, унинг авлодлари яхши хусусиятларни ўзидан саклаб қола олмайди.

Тренинг деб, отларни машқ қилдириш, саклаш, парваришlash ва озиклантиришнинг муҳим тармоғига айтилади. Бунда улар турли огирликдаги ишни бажариш, ҳар хил уюқликдаги масофани турли аллюр ва турли тезликда босиб ўтиш каби ҳислатларга эга буладилар. Отларнинг типига ва зотига қараб тренинг турлари ва уларнинг бажарилиш усуллари ҳар хил

булади.

Отларнинг тренинг даражаси канчалик юкори булса, от шунчалик яхши чиникди, иш кибилляти юкори булади, харакати силликлашади, у белгиланган иш маъдорини бажариш учун аввалгига караганда кам куч сарфлайди. Бундан ташкари тизимли тренинг давомида отларнинг юрак, упка, мускуллар ва марказий асаб системалари яхши ривожланади, озукага булган талаби ошяди, организмда моддалар алмашинувининг жараёни кучаяди, энг мухими аста секин уларнинг потенциал имкониятлари очила боради.

Маълумки, маданий от зотларининг келиб чикишида хиллаш ва танланишнинг асосий элементлари булган тренинг ва синашнинг роли нихсятда катга. Тренинг факат наслдор отларни етиштиришдагина эмас, балки йилкичилик махсулдорлигини оширишда ҳам, спорт отларини етиштиришда ҳам hozirги замон ветеринария ва зоомухандисликнинг мухим тадбирий воситаларидан бирига айланган.

Мазкур кулланма узбек тилида илк маротаба чоп этилиб, унда берилган маълумотлардан миллий от уйинлари, от спорти ва от тренингида фаолият олиб борувчи мутахассислар, ветеринария врачлари, ветеринария ҳамда зоомухандислик факултетлари талабалари ва умуман отларга меҳр қўйган одамлар фойдаланишса, ўз навбатида биз ҳам олдимизга қўйилган мақсадга қисман бўлсада эришидик деб ҳисоблаймиз.

1.2. Тренер ишнинг ахамияти.

Тренинг қилдириш ва синаш тизими тренер (урғатувчи) ўз олдига қўйган мақсадлар, отларнинг зоти ҳамда типига қараб ўзгариб турилади. Отларни синашнинг қўйидаги усуллари мавжуд: тўрт оёқлаб тез чопиш, тўрт оёқлаб чопиб ҳар хил баландликдаги тўсиклардан сакраш, устига юк ортилган ёки аравага қўшилган холда йўртиб чопиш, максимал даражада юк тортиш, юкни маълум масофага одимлаб ва йўртиб олиб бориш, ҳар хил хужалик ишларида ишлатиш. Тренинг қилдириш ва бевосита синашнинг ҳар бир тури отларнинг типига ва бажариладиган ишига қараб маълум қоида

асосида утказилади.

Отларнинг тренинг тизими ва унда етакчи ўрин тутган тренернинг, ўз олдига қўйган мақсадлари ўзаро тигиз боғлиқ бўлишлари лозим. Тренерлик наслчилик ишнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Тренер ва чавандозлар халқ хўжалигига керакли отларни етиштиришда мутахассисларга ёрдам беришлари лозим, чунки аждодларидан ўтган фойдали курсаткичлари баландроқ бўлган отларни етиштириш жуда муҳим вазифадир. Тренер тренинг ёрдамида, ўз каровида бўлган отларнинг яхши хислатларини янада ошириб, уларни ўз авлодларига ўтказиш қобилиятига эга бўлган ҳайвонларни ўргатиши лозим.

Тренер ёш тойларни парваришlash, тарбияlash ва озиклантиришига керакли даражада аҳамият бермаса ҳеч қачон мувафакиятга эришолмайди, чунки яхши ривожланмаган ва яхши озиклантирилмаган тойдан ёки унинг онасидан керакли натижа кутиш мумкин эмас. Худди шу тарикада тулик, сифатли озиклантириш ва яхши парвариш бўлгани билан тренинг иши ёмон ўйулга қўйилса олинадиган натижалар самарали бўлмайди.

Тренер А.П. Орлинский айтган эди: - «Тойларни ҳали она қорнида бўлганида тренинг қилдириш лозим». Буни бўрттириб айтиш деб ҳисоблаш нотўғри, чунки ҳақиқатдан ҳам шундай - хомила туғри ривожланса ундан яхши материал етилади.

Бўғоз бияга алоҳида эътибор керак - унинг турган жойи, нафас оладиган ҳавоси, эркин ҳаракатланиши, танасининг тозалиги, ейиш - ичиш шароитлари, минерал моддаларга бўлган талабининг қондирилиши ва бошқ. муҳим рол ўйнайди, яъни келажакда ундан олинадиган тойларнинг суяк, мускуллар ва бошқа системалар ҳолати шунга бевосита боғлиқ. Агар тренер шу омилларнинг ҳеч бўлмаса биттасини инobatга олмаса - унда у ўзининг ишида биринчи катта ҳато қилган бўлади.

Ўз иши туғрисида доимо ўйлайдиган ва уни жиддий тарзда олиб борадиган тренер она биялар сақланадиган отхона фаолиятига доим аралашиб туради. У ерда тренер отбоқаларга маслаҳатлар бериб ўзи улардан сабоқ олади.

Тренер отбоқлар билан суҳбатлашиш жараёнида, тойларнинг ададлари ва тизимлари, улар левада, яйлов, денникда ва тозалаш пайтида узларини қандай тутиши тақвими сураб туриши керак. Кўп ишлаган, малакаси катта отбоқарлар кўпинча биладилар, шунинг учун уларнинг маслаҳатларига доим эътибор бериш лозим.

Тренинга киришишдан аввал тренер соғлом, тетик ва яхши ривожланган тойлар билан ишлашига амин булиши лозим. Акс ҳолда ургатишнинг ҳар қандай тизими аввалдан муваффақиятсизликка чалинади. Ургатувчи вақти-вақти билан биялар ва тренерлик бўлинмаларининг отбоқарларини йиғиб улар билан машғулотлар олиб бориши зарур. Машғулотларда у отбоқарларни И.П.Павловнинг юқори нерв фаолияти туғрисидаги таълимоти билан таништириши, уларнинг ишлаш кўникмаларини текшириши ва техникавий малакаларини ошириб туриши керак. Отбоқар от туғрисида қанча кўп билса, тренернинг иши шунча енгил кечади.

Тренер ёш отни шундай ургатиши керак-ки - ҳар бир четдан келган одам отга хотиржам ўтириб (миниб) ҳаракатлана олсин. Бунга фақат ишчанлик, эътибор, сабр - тоқат, ўз ишига фидоийлик ва ҳар кунги иш орқали ётишиш мумкин. Тренер ўз фаолиятида отдан ташқари бошқа уй ҳайвонларини ҳам қузатиб туриши лозим, чунки бу келажакда от феълени яхши тушунишига ёрдам беради.

Тренер ўзи тренинг қилдиришда қатнашадиган бошқа одам ветеринария, юмухандислик ва шу фанларга боғлиқ бошқа фанлар билан яхши таниш бўлиши лозим. У Ўзбекистон шароитида тренинг қилинадиган отларнинг нерв тизими хусусиятларини яхши билиши керак, чунки марказий асаб тизими физиологиясининг асосчиси И.М.Сеченов ёзган экан: «Мускуллар танамиз двигателлари, лекин асаб тизимининг турткиларисиз улар ҳаракат қила олмайди».

1.3. Отларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси.

Уй ҳайвонлари орасидан одамлар азалдан икки турини ажратиб турганлар ва уларни «содик дуст» деб атаб келмоқдалар. Бу ҳайвон турларига от ва

итлар киради. Отларнинг юзлаб авлодалари купдан куп мураккаб тренинг мактабини утиб келганлар. Ҳар бир кейинги авлодда одам уларда узига керакли шартли рефлексларни ишлаб чикган. Аста секин отларнинг турли зотлари пайдо булиб, уларда кимматли керакли шартли рефлекслар бошка турдаги хайвонларга нисбатан осонрок, енгилрок ва тезрок ривожланган.


Вақт утиши билан, айрим зотлар такомиллашган сари тренингда боғланиш, тормозланиш ва ҳаракатланиш каби шартли стереотиплар комплекси қандай булиш кераклиги аниқланган, амалий усуллар билими йигилган. Масалан отларда тренингда керак буладиган шартли рефлексларни ишлаб чиқиш учун қандай таъсир утказиш керак? Азалдан яхши натижага эришиш учун огрик факторини қуллаш туғри деб келинган. XVI - XVII асрларда ҳам отлар тренинг қилинган ва инглиз иппологлари тренинг қилинадиган отга каттиқкул булиш кераклигини уқтирганлар. Уларга қарши чиккан бошка мутахассислар жазолаш билан биргаликда рағбатлантириш ҳам керак деб ҳисоблаганлар. Ҳозирги даврда эса шартли рефлекслар ишлаб чиқиш учун комплекс усулларни қуллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Зоологик классификация буйича от, онагр, зебра (1-расм), эшак ва куланлар (2-расм) сут эмизувчилар синфига, тоқтуёқлилар туркумига, отсимонлар оиласига, отлар авлодига кирадилар (эквидлар).

Ҳозирги отлар майда хайвонларнинг эволюцияси натижасида бундан 50 млн. йил муқаддам келиб чикганлар ва ҳозирги вақтга қадар ун иккига яқин даврни босиб утганлар. Жуда қадимги отларнинг тахмин қилинадиган авлодлари ҳозирги давр отларига ухшамаганлар.



1-расм. 1. Зебра – квагги. 2. Онагр.



2-расм. 1. Африка ёввойи эшаги. 2. Кулан.

Шундай авлодларнинг бирига фенакодус кирази (3-расм) ва у купинча итга ёки тулкига ухшаган. Фенакодусдан Шимолий Америка эогиппуси келиб чиқганлиги тахмин қилинади, у каттарок бўлиб қўп жихатлардан отга ўхшайди. Эогиппусдан кейинга эволюция босқичида мезогиппус деган ҳайвон вужудга келган. Отларнинг кейинги авлодалари миогиппус, анхитериум, гиппорион, прогиппус, плезигиппус ва бошқ. ҳисобланади.



3-расм. 1. Фенакодус. 2. Проторогиппус. 3. Мезогиппус.

Отлар тез ҳаракат қилиши ва каттиқ ерларда юриш омиллари уларда туёқнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Туёқ аввал орқа, кейин эса олдинги аъёларта вужудга келган. Оёқларнинг узайиши отларнинг буйи баланд бўлишини ва буйини қисмининг узайишига олиб келган. Бош миянинг вазни эса ошган.

Отларнинг авлодлари Шимолий Америкадан Осиё, Европа ва Африка

китъаларига тарқалган. Отлар ит, куй ва эчкидан сунг хонакилаштирила бошланган. Дастлаб отлар энг куп кулга ургатилган жойлар - Урта Осиёниг Амударё ва Сирдарё водийлари, иккинчи жой Жанубий - Шаркий Европа ва Осиё давлатлари хисобланади.

1.4. От зотлари.

1. Салт минилувчи от зотлари.

Ахалтака зоти (4-расм) Туркманистон ва Қозоғистоннинг курук сахро зоналарида урчитилади. У салт минилувчи отлар орасида энг қадимий от зоти ҳисобланади. Соф ҳолда Қирғизистон ва Ўзбекистонда кенг тарқалган. Ахалтака зоти араб, соф қонли салт минилувчи, Орлов йуртоқиси, Карабах, тракен, қорабаир каби куп зотларнинг келиб чиқишида ҳам муҳим воситачилик аҳамиятини қасб этади.



4-расм. Ахалтака зот бня.

Ахалтака зотли отнинг конституцияси курук ва зич; боши енгил ва узунчоқ; буйни узун ва гўштдор; қарчиғайи узун ва баланд; кукраги саёз; орқаси ва бели узун; сағриси узун, тўғри ва курук, оёқлари тўғри ва узун, курук; одамга тез ўрганади, темпераменти енгил ва юмшоқ, қарчиғай баландлиги 152 см, танасининг қия узунлиги 154 см, куқрак қафасининг айланаси 166 см, қафт айланаси 18,1 см. Спорт оти сифатида қатта аҳамиятга эга. Тезлиги яхши.

Ахалтака зоти кишлок хужалик ишларида кам ишлатилади. Совуқга чидамсиз.

Ёвмуд юти хам энг кадимий зотлардан хисобланади. Бу от Туркменистон гарбида яшовчи ёвмуд кабилаларининг тарихи билан боғлиқ. Дастлабки зотлари араб отларидан урчилган, кейин XIV асрда муғул, козок ва бошка маҳаллий от зотлари билан узаро қушилган.

Ахалтака зотига нисбатан экстеръери кўполрок. Салт минишда қорабаирдан яхширок. Қарчиғай баландлиги 148 см, қия узунлиги 149 см, 20-25 йил яшайди. 5 ёшда вояга етади. Ишчанлик қобилияти яхши. Ўзбекистонда кўп учрайди.

Араб зотининг келиб чиқиши жуда кадимий тарихига эга. VII – VIII асрларда Урта Осиё отлари араб отлари билан чатишиб Араб соф қонли зотини яратишда иштирок этганлар (5-расм).

XI-XII асрлардан бошлаб араб оти Болкон яримороли, Австрия, Германия, Франция, Италия, Туркия, Хиндистон, Хитой ва бошка мамлакатларда тарқалган ва қатор маҳаллий от зотларини яратилишида қатнашган. Араб зоти Россияга XVIII асрда келтирилди ва у маҳаллий от зотлари билан чатиштирилиб Орлов йўртоқиси, Орлов салт минулвчи, стрелецк, терский каби янги зотлар яратилди. Араб отлари чиройлилиги, танасининг мутаносиб тузилганлиги, зич конституцияга эга булганлиги билан бошка зотлардан ажралиб туради.



5- расм. Араб зот оти.

Буйи баланд эмас, боши кичик ва курук, пешонаси кенг ва каварик, қўзлари катта, буйни йўғон, орка оёқлари қиличсимон.

Бияларининг ўртача тана ўлчамлари қуйидагича: қарчиғай баландлиги 154 см, танасининг қия узунлиги 152 см, қўрак қафасининг айланаси 178 см, қафт айланаси 18,7 см. Улар серпушт булиб қўп яшайди, касалликларга чидамли. Жуда енгил ва юмшоқ юради, одамга тез ўрганеди, ювош.

Соф қонли салт минилувчи от зоти (6-расм) Ўзбекистонда унча қўп тарқалмаган. У XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Англияда яратилган. Бу зотнинг келиб чиқишига XVII асрларда Англияда армия ва спорт учун қучли, тез чопадиган ва пишиқ отларга бўлган талабнинг ошганлиги сабабдир. Улар маҳаллий салт минилувчи отларини (головой отлари) араб, варвар, сурия, туркия, туркман айғирлари билан қатиштириш туфайли яратилган. Бу жараёнда Европа зотлари (неаполитан, испан) ҳам қатнашган.

1740 йилдан бошлаб бу зот бутун дунёга танилди ва тарқала бошланди. Хозирги пайтда текис чопишда булардан ўтадигани йўқ. Соф қонли салт минилувчи зот экстерьерини қуйидагича характерлаш мумкин: гавдаси саъл қисқароқ; боши қурук, енгил, узунчок, туғри ва озроқ ботиқ булиши мумкин; буйни узун ва мускулдор; қарчиғайи узун ва баланд; бели қалта, лекин ориқроқ, орқаси қалта ва туғри, сағриси тухумсимон; мускуллари яхши ривожланган; қўраги торроқ, лекин чуқур, оёқлари узун, қурук. Бу от тез етилади, шароитга тез мослашади ва озукага жуда талабчан.

Ўзбекистонда соф қонли салт минилувчи от зоти ва унинг дурагайлари Тошкентдаги № 68 – от заводида урчитилган.

Юқорида айтиб ўтилган от зотларидан ташқари салт минилувчи от зотларига Дон. Будёнов, Кустанай, Терский, Қорабаир (7-расм) зотлари ҳам қиради.



7-расм. Қорабайир зот айғир.

2. Йуртоқи от зотлари.

Энг биринчиси норфол зоти 1755 – 1760 йилларда Англия арава тортувчи маҳаллий айғирларни соф конли салт минулувчи биялари билан чатиштириш натижасида келиб чикган.

Орлов йуртоқи зоти (8-расм) – ҳам ишчи ҳам спорт оти сифатида кенг тарқалган. Зотни яратиш ишлари дастлаб Подольский яқинидаги Остров кишлоғида бошланади. Бунда Араб зотли айғир билан Дания қора ёлли самани чатиштирилган.



8-расм. Орлов йуртоқи зот бия.

Ўш отлар билан то куз ойларининг схирилариғача қурик – чул яйловларида, кишида эса отхоналарда гурух – гурух қилиб сакланади.

Онасидан ажратилган тойлар суткасига 3,5 кг дан сўли уни ва истаганча пичан билан озиклантирилади. 1.5 – 2 ёшли тойларга эса омихта ем берилмасдан, улар факат пичан билан бокилади. Шунни айтиш керакки - зотнинг шаклланишида ёш отларни бирмунча кийин шароитларда тарбияланиши, уларни тизимли равишда машқ килдириш ва синаш катта аҳамиятга эга бўлади.

Орлов йўртоқи зотлари Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Андижон ва Намангон вилоятларида урчитилади.

Рус йўртоқи зоти (9-расм) – арава тортувчи отлар типига киради. У Орлов йўртоқи зот биялари билан Америка йўртоқи зот айғирларни ишлаб чиқариш жараёнида чатиштириш натижасида яратилган. Рус йўртоқи зотининг Орлов зотига мансуб отлардан фарқи уларок конституцияси курук, ойёқ бўғимлари ва пайлари мустаҳкам, лекин танаси йириклиги ва узунлиги кичикрок.

Рус йўртоқи зоти Ўзбекистон учун ҳам режалаштирилган зот ҳисобланади. Спортда ундан ташқари Дон, кабардин, янги қирғиз от зотлари ҳам қўлланади.



9-расм. Рус йўртоқи зот айғир.


3. *Оғир юк тортувчи от зотлари.*

Совет оғир юк тортувчи от зоти 1952 йилда зот сифатида топилган. Зотнинг келиб чиқишида Починкова ва Мордва от заводлари ҳамда Владимир

ни юнги хужаликлари муҳим рол ўйнайди. Бу зот маҳаллий отларни Ўзбекистоннинг брабансон оғир юк тортувчи айғири билан чапиштиришдан яратилган.

Совет оғир юк тортувчи зоти узининг экстерьер афзалликлари, конституцияси ва махсулдорлиги билан Белгия отидан кескин фарк қилади, у нисбатан кичик, қурук, ҳаракатчан, темпераментлидир. Бу зот қўп яшайди, 2,5-3 ёшда ишлатила бошлайди. 3 ёшда ўрчитилишга қўйилади. Ўзбекистонда тарқалмаган.

Владимир оғир юк тортувчи от зоти (10-расм) Владимир ва Иваново вилоятлари хужаликларида халқ меҳнати натижасида яратилади. Бу зотни яратишда Шотландиядан Клейдестал оғир юк тортувчи от зоти қўплаб сотиб олинган. Мустақил зот сифатида 1946 йилда тасдиқланган. Конституцияси зич, айримларники қўпол; боши узун ва қурук, қўпинча "Қучкор калла" шаклида; бўйни узун. Яхши шароитда 1,5 ёшли тойларнинг вазни 500 кг келади. Уч ёшда ривожланишдан тухтайди.



10-расм. Владимир оғир юк тортувчи зот айғир.

Ўзбекистоннинг тоғли Зомин, Баҳмал, зоналарида жойлашган маҳаллий қарабайир отларининг гушт махсулдорлигини яхшилаш учун уларнинг биёлари Владимир юк айғирлари билан чапиштирилган.

Рус оғир юк тортувчи зот 1952 йилда мустақил зот сифатида тасдиқланган. Бу зот Украина ва Урал заводларида яратилган. Бу зотни

яратишда Белгия тоғ ардени, брабансон, першерон зотлари, Орлов йуртокиси ва Украинанинг маҳаллий отларидан кенг фойдаланилган.

Рус огир юк тортувчи зот бошка огир юк тортувчи зотлардан конституциясининг куруклиги ва танасининг кичиклиги билан фарк қилади. Тирик вазни 550-600 кг келади.

Тез қаримайди, айғир ва бияларини 20 ёшга қадар насл олиш учун ишлатиш мумкин.

Ундан ташқари Клейдестал, Брабансон, Арден, Першерон от зотлари эътиборга лойик. Ҳозирги вақтда Першерон зоти дунё микёсида энг кўп тарқалган зотлардан бири ҳисобланади. Иссик иқлим шароитига бошқаларга нисбатан тез мослашади. Вазни 1000 кг келади.

1- жадвал

Тизимли танлаш ва жуфтлаш натижасида маҳаллий шаронгга яхши мослашган ва иш қобилияти юқори бўлган от зотлари.

От зотларининг минтакалар буйича гуруҳи	Салт минулувчи ва энгил юк тортувчи отлар	Салт минулувчи ва юк тортувчи отлар	Салт минулувчи отлар
Дашт зотлари	Дон	-	-
-	Будёнов	-	-
Тоғ зотлари	Кустанай	-	-
-	Янги қирғиз	Қабардин	-
-	-	Лоқай	-
-	-	Қорабайир	Аҳалтақа
Жанубий сахро зотлари	-	-	Ёвмуд Араб

Назорат саволлари:

- 1 Отлар халқ хўжалигида қандай аҳамиятга эга?
- 2 Йилкичиликда от тренингининг аҳамияти қандай?
- 3 Отларнинг тез етилувчанлиги нималарга боғлиқ?
- 4 От тренингининг қисқача таърифи қандай?
- 5 Отларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси қандай?
- 6 Зоологик классификация буйича от, эшак, қулан, онагра ва зебралар

- кайси синфга, туркумга ва оилага кирадилар?
- 7 Отларда туёқ хосил булишига сабаблари қандай?
 - 8 Дастлаб отлар қайси жойларда энг кўп қўлга ургатилган?
 - 9 Қандай салт минулувчи от зотларини биласиз?
 - 10 Қандай йўртоқи от зотларини биласиз?
 - 11 Қандай оғир юк тортувчи от зотларини биласиз?

II-БОБ. ОТЛАРНИНГ МОРФО – ФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ.

2.1. Отларнинг конституцияси ва экстерьеры.

1. Конституция.


Организмнинг насл қолдирувчанлик ва индивидуал ривожланишига сабаб буладиган анатомик ва физиологик хусусиятларнинг йиғиндиси *конституция* деб аталади. Бу хусусиятлар хайвоннинг тана тузилишида, айрим аъзо ва туқимарнинг ривожланиш нисбатига; хайвон халқ хўжалигида нечоғлик қўлланилишида, соғломлиги ва ташқи муҳит таъсирига қай даражада мослашишида ўз ифодасини топган. Фанга конституция тушунчасини биринчи мартаба эраמידан аввал 377- 460 йилларда яшаб ўтган буюк олим, серкира талант эгаси Гиппократ киритган. 1930 йилларда профессорлар В.О. Витт ва Ш.Н.Замятин кишлок хўжалик хайвонларини кенг танали (эйросомли) ва тор танали (лептосомли) конституция типларига булишни тавсия этганлар.

Ч Дарвин, М.Ф.Кулешовлар аниқлаган коррелятив ўзгарувчанлик қонунига асосланиб, кишлок хўжалик хайвонларни оддий амалда қўлланиш мумкин булган қўпол, нозик, буш ва зич каби тўрт хил классификацияга буладилар.

Қўпол конституция - хайвон суяклари йўғон, териси қалин ва дағал жунлар билан қопланган, тери остидаги ёғ қатлами суст ривожланган; боши ва оёқлари танасига нисбатан номуносиб ривожланган. Темпераменти флегматик. Иш қобилияти юқори даражада эмас.

Нозик конституция - хайвон суяклари ингичка, боши кичик, бўйни ингичка, териси нозик ва юпка. Жунлари майда ва сийрак, туёқлари нозик.

Зич конституция - хайвон оёқлари чайир ва мустаҳкам, тери ости



бириктирувчи туқимаси суст ривожланган. Муқкуллари зич, темпераменти юкори.

Буш конституция - хайвоннинг гавдаси катта, суяклари нисбатан мурт, муқкуллари буртган лекин буш, пай ва буғимлар яккол кузга ташланмайди. Тери ости бириктирувчи туқимаси яхши ривожланган. Буғимларда суюклик туғланиши мумкин.

Купол ва зич конституцияли типлар отларнинг дашт ва тоғ зотларида ҳамда шимолда жойлашган маҳаллий урмон зотларида кузга ташланади. Улар яйлов шаронитига гоят чидамлидир.

Буш, купол ва назик конституцияли типлар асосан огир юк тошувчи от зотларида кўпрок учрайди.

Салт минулувчи (соф конли, араб, ахалтака) отлар асосан зич конституцияга эга.

2. Экстерьер.

Экстерьер - хайвон конституциясининг ташқи томондан ифодаланиши ва организмнинг ташқи тузилиши деган маънони англатади. Организмнинг ташқи тузилиши эса хозирги замон фани нуктаи назаридан хайвоннинг иш қобилияти ва наслдорлик қийматини ифодалайди.

Отларнинг экстерьерери туғрисидаги дастлабки адабиёт биринчи марта 1717 йилда Г.Ф.Долгоруков томонидан ёзилган эди. Шунингдек XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида ҳам бу йўналишда катор ўринишлар бўлган.

Экстерьер буйича туғри тушунча П.Н.Кулишёв ва Н.П.Червинскийлар томонидан яратилди. Бу олимлар кишлок хўжалик хайвонлар экстерьерини ўрганишнинг турли усулларини ишлаб чиқдилар. Лекин хайвонларнинг экстерьерига қараб уларнинг биологик хусусиятларига аниқ баҳо беришнинг объектив усули йўқ деса бўлади. Масалан - отларнинг ташқи тузилишига қараб уларнинг кучлилигини, юриш ва чопиш тезлигини, иш қобилиятини аниқлаб бўлмайди ва уларнинг насл қолдириш хусусиятларига тулиқ баҳо бериш қийин.

От екстерьерини аниқлашни у денникда турганда ёки озука қабул қилганда бошлаш лозим. Бунда унинг одамларга муносабатини, озуқани қабул қилиш сифатини, ададларини қўриш мумкин. Ундан кейин от отхонадан чиқарилиб унинг кузи, бурун катаклари, оғиз бурчаклари, тишлари, тили, ганашларини ва энсасини қўздан кечирадилар. Отнинг умумий қўринишини 6 - 7 кадам келадиган масофадан қўзатиш лозим.

Отларнинг тана қисмларига тулиқ ва малакали баҳо бериш – тана қисмларнинг номларини, шакл ва функциясини, жинси ва ёшини, боқилиш шароитига қараб ривожланиш хусусиятларини аниқ билишни тақозо этади. Шунингдек, тана қисмларида учрайдиган нуқсон ва камчиликларни ҳар хил типга мансуб бўлган отларда ҳам баҳолай билиш керак.


Камчилик деб тана қисмларининг мақсадга мувофиқ ривожланмаслигига айтилади. Организмдаги аъзо ва туқимларнинг узгариши натижасида **нуқсонлар** юзага келади.

От тана қисмларининг қўрсаткичлари (11-расм):

Бош. Отларнинг боши уларнинг зоти, жинси ва танасининг умумий тузилишига қараб баҳоланиши керак. Бош енгил, уртача, қўпол; пешонанинг ва юзнинг нисбатига қараб – кенг пешонали, тор пешонали; шаклига қараб – тўғри, ботик ва дўнг бурунли (қўй бурунли) бўлиши мумкин.

Аравага қўшиладиган отларнинг боши тўғри шаклли ва дўнг бурунли бўлади. Ботиклик шакли салт миқоладиган, улкаси яхши ривожланган отларда учрайди (араб, ахалтака, соф конли салт миқилувчи зот отлари)

Қўзлар ҳаракатчан, очик ва тоза бўлиши керак. Салт миқилувчи отларнинг қўзлари катта бўлади ва чакнаб туради.



11 - расм. Отларнинг тана тузилиши.

1-от боши; 2-буйин тожи; 3-карчигай; 4-орка; 5-бел; 6-думгаза; 7-сағри; 8-дум асоси; 9-халқум; 10-буйин ёнбоши; 11-елка курак дунглиги; 12-курак; 13-курак; 14-туш; 15-билак; 16-билакузук; 17-кафт; 18-тушок бугими; 19-туёк; 20-елка; 21-тирсак; 22-ковурғалар; 23-етим коворга; 24-оч бикин; 25-корин; 26-каштанлар; 27-ёнбош чўккиси; 28-тизза; 29-чов; 30-сон; 31-дум; 32-ўтиргич дунглиги; 33-сакраш бугими; 34-болдир; 35-ахилл пайи; 36-пошна; 37-пих;

Аравага қушиладиган отларнинг кўзлари чуқур, ковоклари солиқ бўлади.

Бурун тешиклари катта ва тоза бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Оғиз тўғри бўлиши, жағлар бир-бирининг устига жойлашиши керак.

Қулоқлар. Тез югурадиган отларнинг кулоклари юпка, тўғри, пропорционал, ва ҳаракатчан бўлади.

Пастки жағнинг орка бурчаклари (ганацлар) кенг ва тор бўлиши мумкин. От нормал нафас олиш учун уларнинг ораси 8-9 см бўлиши керак.

Энса кенг ва узун бўлиши мақсадга мувофиқ. Энсаси калта отлар тез югуролмайди, уларни бошқариш ҳам қийин. Отларнинг боши буйнига нисбатан нормал, горизонтал ва вертикал жойлашиши мумкин. Агар бош буйнига нисбатан 45° бурчак ҳосил қилиб жойлашса, нормал ҳисобланади.

Бундай отлар узокни яхши кўради, енгил ҳаракатланади ва яхши югуради.

Буйин. Одатда отларнинг буйни туғри, оққуш ва кийик номлари билан аталади. Туғри буйин соф қонли салт минилувчи ва рус йуртоқи отларида, оққуш буйин Орлов йуртоқисида, кийик буйин қирғиз отларида учрайди. Буйинлар гавдага нисбатан жойлашиши жихатидан нормал, баланд ва паст булиши мумкин. Буйин гавдага нисбатан 45-50° бурчак ҳосил қилиб жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Қарчиғай асосан 2-12 кўкрак умуртқаларининг ўсимталаридан иборат. Одатда қарчиғайлар баланд, урта, паст, узун, қисқа булиши мумкин. Тез югурадиган отларнинг қарчиғайи узун ва баланд бўлади. Қарчиғайи узун, баланд ва сермуқкул отлар йуртоқи ва югурувчанлиги билан ажралиб туради. Қарчиғайи паст, кенг ва гўштдор отлар арава тортишга мослашган.

Орқа қарчиғай ва бел уртасида жойлашган. Уни 11-18 кўкрак умуртқалари ташкил қилади. Узунлиги буйича – узун, калта; шакли буйича туғри, замбарсимон (эгилган) ва дўнг (буқри) булиши мумкин. Туғри ва кенг орқа барча типдаги отлар учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бел умуртқа поғонасининг энг нозик жойидир. Унинг асосини 6 та бел умуртқаси ташкил қилади. Ҳамма типдаги отларда бел қисқа, кенг, туғри ва сермуқкул булиши керак.

Оч биқин деб охириги коворға билан ёнбош суягининг орасидаги масофага айтилади. Унинг узунлиги салт минилувчи отларда 8-9 см, кам куч отларда 10-12 см булиши аниқланган.

Сағри узунлигига, кенглигига, қиялигига ва шаклига қараб баҳоланади. Сағри-салт минилувчи отларда узун ва саъл қия булиши лозим. Горизонтал сағри замбарбел отларда кўпроқ учрайди. Орқадан қараганда юмалок (тухумсимон) сағри қуринса нормал, чодирсимон қуринса каммуқкул ҳисобланади.

Думнинг асоси 16-18 умуртқадан ташкил топган. Оғир юк тортадиган отларда у узун ва сержун, жанубий типдаги отларда калта бўлади.

Қорин. Отларнинг қорни бошқа турдаги ҳайвонларга нисбатан кам

ривожланган. Дағал озикни кўп истеъмол қилган ишчи отнинг қорни катта булади (“сомон қорин”)

Кукрак қафаси асосан 18 та кукрак умурткаси, 36 та коворға ва кукрак суягидан иборат. Тез югурувчи отларнинг кукраги катта ва чуқур, одимлаб юрадиган отларда эса кенг булади. Тор, қиска, ясси, саёз кукрак жиддий камчилик ҳисобланади.

Олдинги оёқларнинг асосини кукрак, елка, тирсак, билак, билакузук бугими, қафт (поча), бақай, чоча, туёқ ва уларни бириктириб турган пай ва мускуллар ташкил қилади.

Курак. 1-6 коворғалар устида горизонтга нисбатан 54-60° қия жойлашган. Курак қанча узун ва қия жойлашса, қадам шунча кенг булади (енгил югурувчи ва йўртоқи отлар). Қиска ва тик куракли отларнинг ҳаракати суст булади. Елка – курак бугимининг бурчаги одимлаб юрадиган отларда 98°, чопқир отларда 95° ва йўртоқи отларда 105° ни ташкил қилиши керак.

Елка. Чопқир отларнинг елка суяги узун, билак ва қафт суяқлари нисбатан калта; йўртоқи отларнинг елка суяги қиска, билак ва қафт суяқлари нисбатан узун булади.

Тирсак. Нормал тирсак узун булиб куракка тегмасдан орқага чиқиб туради.

Билакниг узун, сермускул ва вертикал жойлашган булиши мақсадга мувофиқ.

Билак бугими мураккаб тузилган. У чайир, кенг, узун булиб, тик жойлашиши керак.

Қафт билакузук бугими ва бақай уртасида жойлашган. Югурувчи ва йўртоқи отларнинг қафти йўғон (25-26 см), пайлари яхши ривожланган булади.

Бақай (тушоқ, тушов) бугими қафт ва бақай оралигида жойлашади. У курук, кенг, тоза булиб мустақкам пайлардан ташкил топган булиши лозим.

Бақай – бақай бугими ва чоча оралигида жойлашган бармоқ суяги. Бақай олдинги оёқда 50-55°, орқа оёқда 55 – 60° қия жойлашган. Бақай узун,

киска, тикка ва буш булиши мумкин. Узун бакай чопкир отларга хос булади. Бакай кия (“юмшоқ”) бўлса отнинг юриши юмшоқ, тик бўлса, лўкки булади.

Чоча бакай билан туёк суяги оралигида жойлашади. Баъзан отларнинг феълини билиш учун чочасини босиб курадилар.

Туёқ. Тузилишига қараб туёқлар нормал, ясси, тор, цилиндрсимон ва бошка шаклларда бўлиши мумкин.

Орқа оёқлар сон, тизза, болдир, сакраш бугими (түпик), товон, бакай бугими, бакай, чоча, туёқдан ташкил топган. Орқа оёқларнинг мускуллари олдинги оёқ мускулларига нисбатан яхши ривожланган. Тез югурувчи отларда сон ва болдирнинг узун мускуллари яхши ривожланган.

Соннинг асосини сон суяги ташкил қилади. У қанча узун бўлса, от оёғини шунча кенг ташлайди. Чопкир отларда сон суяги болдирга нисбатан узунроқ бўлиб, йўртоки отларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Болдир қанча узун бўлса, от шунча кенг қадам ташлайди. Одимлаб юрадиган отларнинг болдир мускуллари чопкир отларниқига нисбатан калта ва йўғон булади. Болдир билан товоннинг туташган жойидаги түпик бурчаги одимлаб юрадиган отларда 150 – 155°, чопкир отларда 148 – 155° атрофида булади.

Тизза сон ва болдир суякларнинг туташган жойида жойлашади.

Сакраш бугими (түпик) серпай, қуруқ, бақувват бўлиши керак. Унинг узун товон суяги барча типдаги отлар учун нормал ҳисобланади.

Тақир тери (каштан) – терининг шохсимон жунсиз жойи бўлиб, олдинги оёқларда орқа оёқларга нисбатан каттароқ булади.

3. Оёқларнинг қўйилиши.

Олдинги оёқларнинг қўйилиши.

Отларнинг юриши оёқларининг тўғри қўйилишига боғлиқ. Олдинги оёқлар тик, бир-бирига параллел бўлиши керак ёки ўмовдан туширилган вертикал чизик туёқнинг учига тушиши лозим.

1. Қийшиқ оёқ – бақайлари ва туёқ учлари ташқи томонга қараб туради. Кўпинча тор қўкракли йўртоки отларда учрайди.

2. Чалиш оёк (маймок) – бақайлари ва туёк учлари ичкарига қараб туради. Купинча одимлаб юрадиган ва оғир юк тортувчи отларда учрайди.

3. Циркулсимон оёк – икки туёк оралиғи кўкракка нисбатан кенг бўлиши билан изоҳланади.

4. Нормал қўйилган оёк тик ва параллел жойлашади.

Ён томондан қараганда қуйидаги оёк қуйиш шакллари кўзга ташланади:

1. Тикка ва тўғри қўйиш. Бунда бир оёкнинг панасида иккинчиси қуринмайди.

2. Қорин томонга киритиб қия қўйиш. Оёғини бундай қўядиган отлар кадамини кенг ташлай олмайди, юрганга сурилади.

3. Олдинга қараб чиқариб қўйиш. Бундай қўйиш купинча туёкларнинг сурункали шамоллашидан келиб чиқади.

Орка оёқларнинг қўйилиши.

Оркадан қараганда орка оёқлар параллел ва кенг қўйилган бўлиб, уларнинг панасида олдинги оёқлар қуринмаслиги керак. Ортдан қараганда орка оёқлар қўйилиши Х – симон, О – симон ва нормал бўлиши мумкин.

Х – симон булганда сакраш бугимлари бир-бирига яқинлашиб, товон ва туёқлари нисбатан кенг қўйилади.

О – симон қўйилганда сакраш бугимларнинг пошналари ташқарига эгилган булади. Туёқлар бир – бирига яқинлашган ҳолда туради.

Ён томондан қараганда оёқлар нормал, қиличсимон, ичкарига (қорин томонига) ва оркага қия қўйилиши мумкин.

Қиличсимон қўйилганда болдир билан товон суягининг бирлашган жойидаги бурчак 150° ни ташкил қилади. Оёқлар бундай қўйилганда кадам тор ташланади.

Оёқлар *шамширсимон* қўйилганда болдир билан товоннинг бирлашган жойида бурчак 180° ни ташкил қилади. Бундай қўйилишда амортизацион хусусиятлар йўқолади.

Ичкарига қия қўйилганда утиргич дунгликлари (қуймич) дан ўширилган вертикал қизик сакраш бугимига тегмасдан ўтади. Бундай отнинг

қадами қиска булиб, сакраш бугимига кўпроқ оғирлик тушади. Кўпинча маҳаллий ва йўрға отларда учрайди.

Орқага қия куйилганда утиргич дунгликларидан туширилган вертикал чизик сакраш бугимининг ўртасидан ўтади. Бу нуқсон рахит билан касалланган отларда ёки товон касалликларида кузатилади.

4. Отларни улчаш.

Ёш отларнинг ўсишини ва ривожланишини кузатиб боришда, ҳамда бонитировка вақтида ҳайвонда 4 та ўлчам: баландлиги, танасининг узунлиги, кукрак қафаси айланаси ва қафт айланаси олинади.

От танасининг тузилишини тулиқ характерлаш учун бир ўлчов иккинчи ўлчовга нисбатан чиқарилади ва бунга *индекс* дейилади. Кўпинча куйидаги индекслар ишлатилади:

1. Узунлик
2. Кукрак қафаси айланаси.
3. Тулишганлик.
4. Суякдорлик.
5. Салмоқдорлик.
6. Узуноёклик.
7. Қафт куччилиги.
8. Кукрак чуқурлиги.
9. Баландлик.
10. Каттабошлик ва бошқ.

Отнинг ишчанлиги унинг семизлигига ҳам боғлиқ бўлади. Отларнинг бир нечта семизлик даражалари мавжуд. Улар буйича от кондициясини ёки от бажариш керак бўлган ишга унинг ҳолатининг мослигини аниқлайди.

Кургазмали, аъло семизлик. Бундай отнинг танаси тулишган бўлиб кўринадди, жунлари ялтираб туради. Аммо бундай отнинг ишчанлиги паст бўлиб мускулатураси яхши кўринмайди.

Завод ёки яхши семизлик. Бундай семизликдаги отларда жинсий активлик энг юкори бўлади.

Ишчи семизлик, Бундай семизликда мускуллар орасида зиёд ёғ туқимаси тупланмайди ва у ишчи от учун энг маъқул ҳисобланади.

Кониқарсиз семизлик. Отларни саклаш шароити кониқарсиз ва озикланиши ёмон ёки у касал, қари бўлганда кузатилади.

Назорат саволлари:

1. От конституцияси тушунчаси қандай таърифланади?
2. От конституциясининг қандай турлари мавжуд?
3. Экстерьер тушунчаси ва унинг ахамияти қандай таърифланади?
4. От тана тузилишининг қандай типлари мавжуд?
5. От оёқларини ерга қўйилишининг қандай типлари мавжуд?
6. От танасининг қандай ўлчамлари мавжуд?
7. Индекс тушунчаси ва турлари қандай таърифланади?
8. Семизлик даражалари қандай таърифланади?
9. От экстерьерини аниқлаш тартиби қандай кечади?

2.2. От тана тузилишининг типлари. От туслари.

Африка ва Осиёдан Европага олиб келинган тез аллюрли отларнинг биологик хусусиятлари Ғарбий Европада ўсган секин аллюрли оғир юк тортувчи отлардан фарқ қилиши ҳаммага маълум.

Ярим чўл зоналарида танаси энсиз, узун оёқли, боши енгил ва чўзинчок, териси юпка, жуни кам, қуруқ ва нозик танали отлар ҳосил бўлган. Кескин континентал чўл иклимида яъни иссик ёз ва совуқ камкорли киш буладиган жойларда отларнинг бошқа чўл типи пайдо бўлган. Бу отлар кенг танали, оёқлари калта, боши катта, териси калин ва яхши жун билан копланган бўлиб улар тез семиради. Бундай отларнинг конституцияси кўпол ва зич бўлади.

Тоғли жойларда ривожланган от типиди танаси узун, бўйи унча ката эмас, бели енгил, оёқлари қуруқ, мустаҳкам, сағриси тушган бўлади. Бундай отларнинг конституцияси мустаҳкам ва зич. Совуқ ва нам иқлим шароитида шимолий отлар ривожланган. Бу отлар массив (катта), кенгтанали, боши калта ва кенг, жуни кўп, туёқлари энли бўлади.

Отларни қоплаб турган жунлари ва терисининг рангига *тус* деб айтилади. Белгиларни ва тусларни фарқ қилмоқ керак. *Белгилар* парча ёки доғ холида отларнинг боши ёки оёқларида бўлиб, асосий тусдан узининг ранги билан фарқ қилади.

Отларни руйхатдан ўтказишда от тусини ва белгиларини тўғри ёзиш

кагга ахамият касб этади.

Туслар от ёши катталашган сари узгариб боради. Туслар икки гуруҳга: оддий ва мураккаб тусларга булинади.

Оддий туслар - бир хил туташ туслар (тим кора, кора, буз ва хоказо).

Мураккаб туслар - бир нечта туслар йиғиндиси (борил, бодом, кук, гавхар, ола турик, ола ва хоказо). Отларнинг жайрон, тим кора, кора турик, саман ва кук туслари асосий ҳисобланади. Очик тусга эга булмаган отларда тана мускуллари нисбатан мустаҳкам булади, улар ташки мухит таъсуротларига чидамли булиб, ишчанлик белгилари кузатилади. Ола белгилари мавжуд отлар туёғи мустаҳкам булмайди.

Назорат саволлари:

- 1 Ярим чул зоналарида урчитилаётган отларнинг хусусиятлари қандай таърифланади?
- 2 Тоғли жойларда ривожланган от типи хусусиятлари қандай?
- 3 Совуқ ва нам иқлим шароитида шимолий отларнинг хусусиятлари қандай таърифланади?
- 4 Туслар қандай гуруҳларга булинади?
- 5 Белгилар тушунчаси қандай таърифланади?
- 6 Оддий туслар тушунчаси қандай таърифланади?
- 7 Мураккаб туслар тушунчаси қандай таърифланади?

2.3. От ҳаракат аъзоларининг анатомик хоссалари.

От танасини кутариб ушлаб турувчи пассив таянч аппарати - суяқлар устунни ёки эркин оёқлар скелети деб аталади.

Скелетнинг алоҳида суяқлари узаро бурчак шаклида бирикиб мускул, пай, калта пайлар (боғлам, пайча) ва фасциялар ёрдамида бир бири билан мустаҳкам боғланади ва хайвон ҳаракатланганда ричаглар функциясини бажарадилар.

Суюқларнинг шакли ва анатом- гистологик тузилиши улар бажарадиган

физиологик функциялари билан тигиз боғлик. Узун суяклар устун ва ричаг ролини бажарганлиги туфайли улар зич компакт моддадан ташкил топган, ички тузилиши эса найсимон шаклда бўлади. Улар қундаланг таъсир этувчи катта механик кучга қаршилик кўрсата олмайдилар. Узун суякларнинг учлари губкасимон суяк тўқимасидан иборат бўлиб, у бугимнинг суяк учларини узаро мос келтирилиб бирикишини таъминлайди.

Суяк тўқимасининг трабекулалари суяк моддасидаги сикклиш ва чузилиш траекторияси бўйлаб жойлашади, шу сабабли суяк чузилиш, сикклиш, айлантириш, буранишларга чидамли бўлади. Ҳайвон организмидаги патологик узгаришлар, айниқса уларнинг модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқлиги суяк архитектоникасининг узгаришларига олиб келади. Бунда суяк тўқимасида турли патологик жараёнлар ҳосил бўлиши ва натижада оёқ функцияси бузилиши мумкин.

Ҳайвонлар, айниқса отлар ҳаракатида бугимлар алоҳида урин тутади. Бугим 2 ва 3 дан кўп суякларнинг узаро бирикиш дифференциал шаклини энг яхши ифода этади ва уларнинг максимал ҳаракатчанлигини таъминлайди. Бугимни ташкил қиладиган суяк юзалари уз шакллари бўйича оддий ва мураккаб геометрик тана қисмларнинг комбинацияси бўлиб, улар узининг анатомик тузилиши бўйича бир - бирига нисбатан муносибдир.

Бугимларни ҳосил қилувчи анатом-физиологик элементлари: суяк учларининг эпифизар ва метафизар қисмлари ва юзалари, бугим тоғайлари, фиброзли капсула, калта пайлар (боғлам, пайча) аппарати, синовиал парда, синовиал суюқлик, қон ва лимфа томирлари, нервлар, бугимнинг периартикуляр юмшқок тўқималари.

Бугимлар оддий (икки суяк учларидан тузилган), мураккаб, кўп укли (тос-сон, елка бугимлари), икки укли ва бир укли бўлади. Бугимдаги ҳаракатлар: букиш, ёзиш, йиғиш, узатиш, бурилиш (айлантириш). Оёқларни пастки (дистал) бугимлари нисбатан катта ҳаракат эркинлигига эга. Бугимлар охиригача тугалланган анатомик ҳосила эмас, балки улар ҳардоим узгариб туради.

Кичик ёшдаги отлар бугимларининг анатомик шакллари қари ҳайвонлар бугимларининг шаклидан фарқ қилади. Қари ҳайвон бугимларининг боғламлари, нардалари ва тоғайлари ўз эластиклигини йўқотади, мускуллар юмшайди, кучсизланади ёки зичлашади.

Ҳаракат аъзоларида буфер ёки амортизация фаолиятини суяк - бугим, пай - мускул ва пайчалар аппаратлари бажаради. Уларнинг асосий иши - тана ва ҳаракат аъзоларини хаддан зиёд тебранишлардан сақлашдир. Ундан ташқари мускул гурухлари биргаликда ишлаб оёқлар флексиясини (бугимлар флексияси) - буқиш, экстензиясини - ёзиш, ротациясини - буриш, аддукциясини - йиғиш яъни оёқни қарамакарши турган оёқга қаратиб келтириш, абдукциясини - ён томонга узатиш яъни оёқни узоклаштириш каби функцияларни бажаради. Масалан сакраш бугимининг ёзилишида ярим пай ва сонинг икки бошли мускуллари биргалашиб иш бажаради, яъни улар бир гурухга қўшилади. Соннинг орқа мускуллар гуруҳи ҳайвон ҳаракатида, уни олдинга иттаришда биргаликда ишлаб биригула тос - сон, тиза ва сакраш бугимларнинг ёзилишига ёрдам беради.

Орқа оёқнинг олдинга қараб ҳаракатида (бугимлар буқилиши) бугимдан пастрок жойлашган пай аппарати асосий ишни бажаради, оёқ олдинга чиқарилиши вақтида (бугимлар ёзилиши) эса асосий активлик бел ва уч бошли мускулларга тушади.

Флексор ва экстензорлар оёқнинг қундаланг ўқи атрофида ҳаракат қиладилар. Бунда флексорлар бугимларнинг ички бурчакларида жойлашса, экстензорлар бурчаклар чўқиларидан утиб, оёқни ёзиш ва олдинга чиқаришда ҳаракат қилади.

Аддукторлар оёқнинг медиал юзасида, абдукторлар эса латерал юзасида жойлашади.

Ротаторлар оёқнинг узунаси бўйлаб жойлашиб, унинг уқига нисбатан қия йуналишда ҳаракат қилади.

Фасциялар алоҳида мускул ёки мускул гуруҳларини ураб уларни узаро бириктиради, ҳамда уларни суяклар билан бир комплексга қўшади.

Тана мускуллари оёқлар ишида актив катнашади. Тана бош билан биргаликда ҳар бир оёқлар жуфтига ёрдамлашувчи икки елкали ричаг роллини бажаради. Олдинда калта ричаг (елка) ролини буйин ва бош бажарса орқа ричаг вазифасини сағри ва 2-3 та дум умурткалари бажаради.

Оёқларнинг тана ўқиға нисбатан айланиши (кутарилиши ёки тушини) чап ва унғ оёқларни бириктирувчи кўндаланғ ўқи орқали бажарилади. Бош ва буйин тана оғирлигини оёқлар орасида баравар таксимлаб кўкрак оёқлари билан тиғиз боғланади ва ҳаракатда иштирок этади. Кўкрак камари мускулларнинг бош ва буйиннинг хусусий мускуллари билан тиғиз боғланади. Икки жуфт оёқлар ҳаракати орқа - кўкрак ва бел - қорин бўлинмалари орқали координация қилинади. Бунда кўкрак камарининг мускуллари ва тоснинг айрим мускуллари, ҳамда сон, тиза мускуллари кўкрак, бел, сағри ва дум умурткаларига бирикади ва натижада орқа, кўкрак, қоринни ўзаро жипслаштиради.

Тана марказиға нисбатан унғ ва чап оёқлар орасида жойлашған камарлар ва тана мускулларининг бир томонлама қисқариши ҳайвон бурилишини таъминлайди. ҳайвон танасининг оёқларға нисбаттан жойлашиши мускуллар қисқариши натижасида кескин ўзғариши мумкин. Масалан ҳайвон орқа оёқлар билан тепганда, ёки тананинғ олд қисмини ердан баланд кўтарганда.

Назорат саволлари:

- 1 Оёқларнинг таянч аппарати қандай тузилган?
- 2 Оёқларда ричағлар функциясини бажарадиган қандай анатомик элементларини биласиз?
- 3 Суяк архитектурониқаси ўзғаришининг сабаблари қандай?
- 4 Оёк бўғимларининг аҳамияти қандай?
- 5 Бўғим турлари қандай булади?
- 6 Бўғимларни ҳосил қилувчи анатом-физиологик элементлар қандай булади?
- 7 Оёқларнинг мускул гуруҳлари қандай булади?
- 8 Ҳаракат аъзоларида буфер ёки амортизация фаолиятини бажарувчи

- анатомик элементлар қандай?
- 9 Мускул гурухлари қандай биргаликда ишлайди?
- 10 Оёқни ҳаракатга келтирувчи тана мускуллари қандай булади?
- 11 Тананинг олдинги ва орқа ричаглар вазифасини бажарадиган анатомик элементлар.

2.4. От ҳаракат аъзоларининг физиологик хусусиятлари.

Суяк - бўғим, пай – мускул ва боғламлар аппаратлари ҳайвон оёқларининг анатом - физиологик амортизацион ёки буферли мосламасидир. Бу аппаратларнинг физиологик вазифаси - ҳайвон танаси ва аъзоларини кучли тебранишлардан сақлаш, оғирликни оёқларнинг урта қисмига эластик тарзда қабул қилишдир.

От оёқларининг таркибида 3 асосий амортизаторлар мавжуд: проксимал - юкорида, урта ва дистал - пастда. Ундан ташқари яна бир қатор қушимча амортизаторлар мавжуд.

Проксимал амортизатор ролини олдинги оёқларда юкори сегмент (курак, елка суяги) нинг мускуллари ва курак, елка, тирсак бўғимларининг пай аппарати, орқа оёқларда эса бу ишни менисклар ва тиза ҳамда сакраш бўғимининг пай аппаратлари бажаради.

Олд ва орқа оёқларда урта амортизатор ролини бармоқлар қушимча суякларининг пай аппарати ва бармоқларни буқувчи мускул пайлари бажаради. Олд ва орқа оёқларнинг дистал ёки рессорли механизм ролини эса туёқлар бажаради.

Отлар бир бармоқга таянганлари учун уларнинг урта ва дистал амортизаторлари бошқа ҳайвонларга нисбатан кучлироқ ривожланган. Масалан суяқлараро мускул. Бу мускул уз толаларини бутунлай йўқотиб тулалигича пайга айланган.

Олдинги оёқлар тана билан фақат мускуллар орқали бирикади. Бундай боғланиш ҳаракат эркинлигини таъминлайди. Тана билан курак - курак типдаги боғланиш «курак сирғалиши» каби ҳаракатни - яъни куракнинг олд ва

орқа томонга ҳаракатланишини таъминлайди ва бунда хайвоннинг кадам узунлиги кагталашади. Курак юкори ёки пастга силжиганда курак -қурак бирикмаси амортизатор функциясини бажаради. Олдинги оёкнинг иттариш кучи унча катта эмас, айниқса секин аллюрларда. Унинг функцияси асосан эластик таянч вазифасининг бир туридир.

Орқа оёқлар умуртка погонаси билан боғламлар ва тос орқали бирикади. Сағри ва тос орасидаги ҳаракат эркинлиги жуда кам. Шу билан биргаликда хайвон ҳаракатланишида тос - сон бугими катта рол уйнайди. Сон суягининг бошчаси бугим чуқурчасига кириб туради ва у елка суягига нисбатан кўпроқ ҳаракат эркинлигига эга. Отларда сағрининг мускуллари сағри ва утиргич дўнгликларига бириккани уларнинг шу хайвонга хос бел - сағри бирикмаси ҳаракатларига ёрдам беради.

Олд ва орқа оёқларнинг ҳаракатланиш фазалари ва даврларнинг тартиби асосан бир хил яъни ўхшаш. Бугимнинг букилиши натижасида оёқ ердан кутарилиб олдинга чиқарилади, бунда тос суяклари курак суягига ўхшаб ҳаракатланади, тос, бу ҳолатда, букилаётган оёқ тарафига озгина бурилади ва пастга тушади. Аммо, умуман айтганда бу акт куракнинг ҳам шундай ҳаракатига ўхшаб кетади.

Орқа оёқ бугимларининг ёзилиши худди қурак оёқдагидай бармоқлардан бошланади ва тугалланмасдан жараёнга тос бугимининг ёзилиши қўшилади. Лекин унинг ёзилиш даражаси қурак оёғининг бугимларига нисбатан кам.

Туёкнинг ер билан биринчи контактида ҳамма бугимлар пружинасимон ҳолатда булади, лекин тос - сон бугими ёзилишни давом этади ва орқа оёқ танани олдинга иттиради.

Орқа оёқ мускуллари ишини анализ қилганда букилиш пайғида найлар гуруҳи ишлаши, оёқ олдинга чиқариладиган вақтда эса бел ва уч бошли мускуллар ишлаши, оёқ вертикал ҳолда булганда эса сағри мускулларининг ишлаши кузатилади.

Ҳайвон ҳаракати скелет мускулларининг қисқариши ва олд ҳамда орқа оёқларнинг олдинма - кетин иш бажариши натижасида келиб чиқади. Ҳайвон

оёқлари бугимларнинг ҳаракатини қўриб чиқганда ҳаракатлар қуйидагича номланади: протракция - бутун бир оёқнинг олдинга (краниал) ҳаракатланиши ва ретракция - оёқнинг орқа тарафга (каудал) ҳаракати.

Туртала оёқнинг тугалланган ҳаракатига (ишига) *ҳаракат цикли* деб айтилади. Бир оёқнинг тугалланган ҳаракати - *қадам* дейилади. Анализ мақсадида кадам фазаларга бўлинади – “*осилиб турган оёқ*” фазаси (*протракция*) ва “*таянч*” фазаси (*ретракция*).

“Осилиб турган оёқ” фазасида ҳар бир оёқ тулик ретракциядан кейин 3 даврдан ўтади: бугимларнинг букилиши ва оёқнинг кутарилиши; тос - сон ёки елка бугимларида краниал айланиш (олдинга); оёқнинг қўзилиши ва ерга тушурилиши.

“Таянч” фазасида ҳар бир оёқ яна 3 даврдан ўтади: ер билан бирламчи контакт, узига тананинг барча оғирлигини олиш; охириги давр - танани олдинга ҳаракатлантириш.

Ҳайвонларнинг турли аллюрлардаги ҳаракати оёқ бугимлар бурчагининг ўзгариши, фазалар ва даврлар орасидаги вақт ораликларининг давомийлиги билан боғлиқ. Ҳайвонларнинг статика (ҳаракатсиз) ва динамикасида (ҳаракатланиш) мускул, фасция, таянч туқималар, бугим, пай ва пайчалар иши муҳим аҳамиятга эга.

Айрим мускуллар бир бугимни ишлатса бошқа мускуллар эса - бир нечта бугимларни ишга солади. Узун мускуллар бутун узунасига фақат мускул толаларидан иборат бўлмай орасида бириктирувчи туқимали қисملари ҳам мавжуд. Бундай тузилиш уларнинг мустаҳкамлигини ва кам чарчашлигини таъминлайди.

Назорат саволлари:

1 Ҳаракат пайтида мускул, пай, бугим ва суякларнинг ўзаро

1 бажарадиган иши ва боғлиқлиги қандай бўлади?

2 Кукрак (олдинги) оёқларининг тана билан бирикиши қандай бўлади?

3 Проксимал амортизатор ролини бажарадиган анатомик элементлар қандай бўлади?

4. Ўрта амортизатор ролини бажарадиган анатомик элементлар қандай булади?
5. Орқа оёқларнинг тана билан бирикиши қандай булади?
6. Оёқ мускулларининг бажарадиган функциялари қандай?
7. Х,аракат цикли қандай таърифланади?
8. Қадам тушунчаси қандай таърифланади?
9. Протракция ва ретракция тушунчалари қандай таърифланади?
10. Осилиб турган оёқ фазаси ва даврлари қандай таърифланади?
11. Таянч фазаси ва даврлари қандай таърифланади?

2.5. От тренингида асаб тизимининг ахамияти.

Умумий қуринишда асаб тизимининг тузилиши қуйидаги булади:

1. Марказий асаб тизими.
2. Периферик асаб тизими.
3. Вегетатив асаб тизими - ички аъзоларнинг фаолиятини бошқарувчи нерв тугунлари.

Нерв толалари хайвон танасининг бутун йуналишларида утади. Айримлари ташки мухитдан келган таъсирларни марказий асаб тизимига етказса, бошқалари эса шу марказдан жавобан ҳосил булган импульсларни (буйруқларни) тананинг керакли жойига етаказди ва натижада хайвон керакли жавоб реакциясини бажаради.

Кузгалишни марказий асаб тизимига ўтказувчи нервлар *марказга интилувчи*, тесқари йуналишга яъни марказий асаб тизимидан мускулларга ва ички ҳамда ташки секреция безларига жавоб импульсларни етказувчилари эса *марказдан қочувчи* нервлар деб аталади. Буни яхшироқ англаш учун отларнинг тренинг амалиётидан мисол келтириш мумкин.

Отнинг оғзи қуруқ булса у кийин бошқарилади. Бу масала тойни ўргатишнинг биринчи кунидан тренер олдида туради. Той оғзини намлаш учун тренер туз сепилган нонни халтачага солиб уни той сувлигига боғлайди. Туз оғиздаги нерв рецепторларига таъсир этиши натижасида ҳосил булган

буларни, марказга интилувчи нервлар орқали, узунчоқ мианинг сулак айланивчи марказига боради. Унда ҳосил булган кўзғалиш марказдан кочувчи нервлар орқали сулак безига ўтади ва унинг секретор фаолиятини чакиради (12-расм). Натижада оғизда сулак ажралади ва той оғзи билан "инилашга бошлайди". Бу рефлектор йўл билан амалга оширилди.



12-расм. Оғизни намлантиришнинг шартли рефлекси схемаси.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқган ҳолда *рефлекс* - бу ташқи муҳитдан келган таъсирга жавобан нерв тизими орқали ҳосил булган организмнинг реакцияси.

Энг оддий рефлекслардан И.М.Сеченов «тоза рефлекслар» ни кузда тутан. Бунда бир гуруҳ нервларнинг таъсирланиши бевосита бошқа нерв гуруҳларига ўтади ва бу жараёнда баш миa иштирок этмайди. Масалан кўнлмаган товушдан ёки бехосдан танага тегинишдан ҳайвоннинг сескашиши.

И.П.Павлов рефлекслар хақида билимни ривожлантирди ва *шартли рефлекс* термини тушунчасини, яъни "Павлов тушунчасини" тақлиф қилди. Павлов тушунчага буйича фақат аниқ ишлаб чиқилган рефлекс *шартли*, Сеченов вайд этган реакция эса *шартсиз* рефлекс деб аталади.

Шартсиз рефликке тузма, шартли рефлекс эса вақтинчалик булиб,

хайвонларда уларнинг хаёти даврида орттирилади. Масалан оғзи курук тойни сувлик ва юганга ўргатиш қийин, шунинг учун сувлик кийгизганда унинг оғзини хўл тутиш учун юганга туз солинган халтача боғланади. Туз таъсирида шартсиз рефлекс пайдо бўлиб сулак ажратилади ва хайвон оғзини хўллайди. Кейинчалик фақат сувликнинг ўзи кийгизилганда ҳам сулак ажралиб туради - шартли рефлекс. Шартли рефлекс доим шартсиз рефлекс оркали чақирилиб туриши лозим.

Отларни тренинг килиш жараёнида тренер ва чавандозлар хайвонларда купсонли шартли рефлексларни ишлаб чиқадилар. Бу эса тренер ва чавандоз ишини энгиллаштиради. Лекин айрим пайтларда шартли рефлекс нотўғри яъни бузук булиши мумкин. Бундай бузук рефлекслар тренер, отбоқар ёки чавандозларнинг нотўғри ишлаши натижасида хосил булади. Шу билан биргаликда от ўз томонидан ҳам шундай рефлексларга мустакил ўрганиши мумкин. Масалан бия охур деворини тишлаб ўрганса бу ёмон қиликни той ҳам орттириши мумкин. Она бия тойига одамларга нисбатан ишончсизлик, ғайирлик, қасд олиш каби муносабатларни ёки уларнинг акси бўлган яхши феъл, ишончлик, атроф мухит таъсуротларига тинч ва хотиржам булишни ўргатиши мумкин. Тойларни ёмон қиликлардан сақлаш учун биринчи навбатда она бияга эътибор бериб ўзини тарбиялаш лозим.

Назорат саволлари:

1. Тренер ишининг аҳамияти қандай таърифланади?
2. От тренингида асаб тизимининг аҳамияти қандай таърифланади?
3. Асаб тизимининг умумий тузилиши қандай?
4. Рефлекс-тренингнинг асосий омили тушунчаси қандай таърифланади?
5. «Тоза рефлекслар» қандай таърифланади?
6. Шартли рефлекс термин тушунчаси қандай таърифланади?
7. Шартсиз рефлекс термин тушунчаси қандай таърифланади?
8. Керакли ва кераксиз шартли рефлекслар қандай таърифланади?
9. Нотўғри - бузук рефлекслар қандай таърифланади?

III-БОБ. ОТ ТРЕНИНГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚУРИЛМАЛАР ВА ОТ АБЗАЛЛАРИ.

3.1. От тренингида қўлланиладиган қурилмалар.

Йилкичилик хўжаликларига ёш отлар тренинги махсус майдончаларда (левада, манеж, йулакчалар) ўтказилади.

Левадалар (13-расм) маданийлашган зотли отларнинг тарбиясида ва тренингида катта ва муҳим рол ўйнайди, чунки улар ёш хайвонни эркин ҳаракатланиши, ҳавода хоҳлаганча бўлишини таъминлайди. Левада - яйловнинг бир чети тўртбурчак шаклида чегараланган жойи бўлиб, уни тусиш учун ёғочдан қурилган оддий тўсиклар қўлланади. Айрим ҳолларда тўсиклар кучирма бўлиши мумкин. Левада отларни озиклантирадиган жой ва отхона ёнида қурилган бўлиши лозим.

Озиклантирувчи левадада кўп йиллик ўтлар экилади, улар топталишга чидамли бўлиб отларнинг озикланишига қулай. Озиклантирувчи левадалар турли шаклда бўлиши мумкин.



13-расм. Озиклантирувчи левада.

Керак пайтда левадани кучирадилар. Кучирма тўсикларнинг катталиги 1.5 метрдан бўлиб улар оғир асосга бириктирилади, шунинг учун устунлари ерга қўйиб қўйилади. Левадани завод ипподромининг айланаси ичига қуриш мумкин. Левада ичига қўйиб юборилган хайвонларга тўлик эркинлик бериш таъминланади.

Отхона ёнида қурилган леваданинг вазифаси - отларга моцион


таъминлаш. Бундай леваданинг бир девори отхонага туташган булиб унда ҳеч нарса ўсмайди. Хужаликда бир нечта левадаларнинг қурилиши мақсадга мувофиқ, чунки отлар навбати билан ёз мобайнида янги, хали ўти босилмаган, тўсилган яйлов қисмларига ўтади.

Манеж (14-расм) - усти ёпик ёки очик, доира шаклдаги бино ёки қурилма. Манежнинг диаметри 30 метрга тенг келади. Манеж ёш ва катта ёшдаги отларни об-ҳаво ёмон булган вақтда тренинг қилиш учун ишлатилади. Яқин пайтларгача манеж отларни тренинг қилдиришда катта ва муҳим ўрин эгаллаган эди. Лекин ҳозирги даврда унинг моҳияти пасайган, айниқса йуртоқи отларнинг тренингида.

Отларни манежда тренинг қилдиришнинг фойдали ва зарарли томонлари бор. Бир томондан манеж отлар билан ишлаш жараёнининг дастлабки босқичларини осонлаштиради; манеждан йил буйи фойдаланиш мумкин; об-ҳаво ёмон булган фаслларда у отлар тулик куч билан ишлашга имконият яратади. Иккинчи томондан манеж айланаси буйлаб ҳаракатланишлар йуртоқи отлар танасининг икки томонини бараварига ишлашга йўл қўймайди, яъни оғирлик манеж марказига қараган оёқларга тушади.

Отни юмалоқ манежда тренинг қилдиришнинг иккинчи салбий хусусияти - от узун тизгин (жилов) орқали бошқарилишидадир. Узун тизгин оғир булгани сабабли у от оғзини шикастлайди, оғиз бурчакларининг сезувчанлигини пасайтиради ва натижада ўргатишнинг кейинги ишларида кийинчилик яратади.

Учинчи камчилик - қисқа, тор жойда айлана буйлаб ҳаракатланиш от ҳаракатларини боғлайди ва кадамларининг узунлигини қисқартиради. Бундай камчиликларни камайитириш учун марвин типдаги манежни қуриш мақсадга мувофиқ - унинг шакли узунчоқ бўлади.



14-расм. Манеж ва унинг ёнидаги тойларни сақлаш учун хоналарнинг умумий қурилиши ва плани.

Манеж айланаси баландлиги 1м 80 см келадиган тўсиқлар билан чегараланади. Манежнинг майдони атрофдаги ер сатхидан 15-20 см баландликка кутарилиши лозим. Манеж дарвозаларини ичкарига очиладиган қилиб ясаш керак. Манеж юзаси йирик заррачали кум ёки ёғоч қириндиси билан қопланади. Ишдан сунг манеж юзаси ер тирноғичи билан текисланади. Об - хаво қурук пайтида чанг кутарилмаслиги учун устига сув сепилади.


Йулакча ёки «айлана» отларни тренинг қилдирадиган асосий жой ҳисобланади. Отчилик хужаликларида ипподромларининг югуриш йулакчалари овал шаклда қурилади.

Йулакча айланасининг узун қисми 1600 м, қисқа қисми 1067 м га тенг. Айлананинг эни 1067 метрдан кам булмаслиги керак, чунки отлар тез ашюрларда қисқа бурумлардан чоғиб ўтишга қийналади. Йулакчанинг кенлиги 6-7 метрни ташкил қилиши лозим. Йулакча юзаси серқумли ёки доғдан бўлиши мумкин эмас, чунки қумлик ерда от пайларига ката оғирлик тушади. Смиртли кунларда эса йулакча балчик билан қопланади. Йулакча қурилатганида унинг ўлчамлари олингандан сунг юзаси хайдалади. Йулакча юзаси сийдалиб бўлмач у борона билан ишланади ва устидан мола тортилади. Бу пайтида йулакчанинг юзасини доим юмшатиб туриш лозим. Қиш фаслида

йўлакчадан қор тозаланиб туради. Отхонадан то йўлакчагача йўл алоҳида қурилади.

Йўлакча ичидаги майдонга экинлар экилади, лекин экинлар йўлакча ёнидаги жойгача бевосита яқин жойлашмаслиги керак.

Ипподром (15-расм) ҳар бир от заводида бўлиши лозим. Ипподромнинг йўлакчадан фарқи уларок - отлар югуриши учун унинг йўлакчаси қалтарок қурилади – 1000 м, йўлакча ичидаги айлананинг ичига ҳеч нарса экилмайди, чунки унда тойларга юриш техникаси, бурилиш қоидалари ва бошқалар ургатилади.



15-расм. Завод ипподромининг схемаси ва ўлчамлари: АД ва ВС-340 метрдан; АВ ва СД-айланаси буйлаб – 160 метрдан; А₁ Д₁ – 500 метр; С₁ Д₁ – 160 метр; АВ – 102 метр; АЕ – 51 метр.

Завод ипподромини қуриш учун биринчи навбатда текис жой танланади. Майдон юзасида нотекисликлар бўлмаслиги лозим, чунки улар тойларнинг тўғри ҳаракатланишига ҳалақит беради ва кейинчалик зарарли рефлекслар пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин. Ипподром майдони қуруқ, қор ва шамолдан ҳимояланган бўлиши лозим. Отхона ипподромдан узқоқроқ, камида 300 м келадиган масофада жойлашиши зарур.

Ипподром йўлакчасининг юзаси қумлик ёки балчикли бўлмаслиги лозим. Ипподромни қуриш учун 8 гектар ер ажратилиши мақсадга мувофиқ. Ипподром югуриш йўлакчасининг узунлиги 1000 м, эни 15 м ни ташкил қилиши лозим. Унинг икки тўғри йўналишларининг узунлиги 340 метр, икки бурмалар узунлиги 160 метр, бурилиш радиуси 51 метр, йўлакча эни эса 15

метрдан кам булмаслиги керак. Акс холда ёш отларни каршисидан келадиган бошқа отлар уларни хуркитиши, бошқа холларда эса улар йулакчадан ташқарига чикиб кетиши мумкин. Ипподром йулакчасига ташқаридан хоҳлаган жойдан кириш имконини яратиш лозим. Ипподром йулакчасига оддий йулакчага нисбатан кўпрок аҳамият берилади.

Назорат саволлари:

- 1 Леваданинг маданийлашган зотли отларнинг тарбияси ва тренингидаги роли қандай таърифланади?
- 2 Левада қандай тузилган?
- 3 Манеж қандай тузилган?
- 4 Манежда тренинг қилдиришнинг фойдали ва зарарли томонлари.
- 5 Йулакча қандай тузилган?
- 6 Йулакча улчамлари қандай?
- 7 Ипподром қандай тузилган?
- 8 Ипподром йулакчасига булган талаблар.


3.2. Отларни машқ қилдиришда фойдаланиладиган инвентарлар (от абзаллари).

Қадимда одамлар отларни ҳеч қандай абзалсиз ишлатганлар (дон экинларини янчиш, от думига бирор нарсаларни боғлаб торттириш, эгарсиз юк ташиш ва миниш). Халқ хўжалигининг тараққиёти ва маданиятининг усиши, от кучидан фойдаланиш усулларини, кишлоқ хўжалиги куроллари ва араваларни, чаналар ва фойтунларни ҳамда от абзалларини вужудга келтирди.


“Арава анжомлари ва отларга кийгизиладиган мосламалар от абзаллари деб аталади. Абзаллар отларни эгарлаш усуллари ва ишлатиш характериغا қараб тортиш кучи орқали бажариладиган ишлар учун мулжалланган абзаллар ва салт миниш учун мулжалланган абзалларга бўлинади. Ҳамма абзаллар ҳам ихчам, кийгизилганда от танасиги ёпишиб турадиган, иш вақтида танани шикастламайдиган ва отнинг иш қобилиятига ҳалақит бермайдиган бўлиши керак. Абзалларни отнинг катта - кичиклигига қараб

танлаш айниқса муҳимдир.

От абзаллари дўғали ва дўғасиз, арава учун, кишлок хужалик ишлари учун, салт мириладиган якка от, қўш от, уч от ва кўп отларга мулжалланган бўлиши мумкин. Абзалларнинг ҳар бири аниқ ўлчовда, таъмирлаш ва эскиларини янгилари билан алмаштириш учун қулай бўлиши керак.



16-расм. Арава тортадиган от абзаллари:
1-юган; 2- дўға; 3- бўйинча; 4- эгарча; 5-орқалик;
6-тормоз тасма; 7-узун тизгин; 8-коринбоғ.



17- расм. Туғри эгарча.


Отнинг кукрак, елка, карчигай ва орқаси абзал орқали иш бажарувчи асосий аъзолари ҳисобланади. Абзал танлаганда шу аъзоларнинг тузилиши ва ўлчамига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бир от учун мулжалланган рус дўғали абзаллар (16-расм). - юган, нухта, бўйинча, эгарча, эгарчанинг қайишлари, тизгин ва дўғадан иборат. От учун мулжалланган дўғасиз абзаллар юган, бўйинча ва постромкалар,

гормоз тасма, эгарча, оралик ва туш тасмаси, жиловдан иборат

Юган - отни бошқариш учун хизмат қилади. Юган хом ва чайир қайишдан ясалади. У энса усти (чакак), пешона усти, ганаш ости ва бурун устидан утадиган қайишлардан ҳамда икки халқали сувликдан иборат (18-расм).

Сувликнинг иккала халқаларига бошқариш қайишлари (тизгин) бириктирилади. Энса усти ва чаккадан утадиган қалта ва узун қайиш орқали сувлик тўғри кийгизилади. Сувлик тилни босмаслиги, шунингдек жуда эркин бўлмаслиги, оғиз бушлигининг тишсиз жойида - тил устида (қирқувчи тишлар билан озиқ тишлар оралигида) жойлашиши керак. Агар юган қалта бўлса, сувлик оғиз чеккаларини яра қилади, узун бўлса отни бошқариш вақтида тишларга тегиб, уларга зарар етказади. Сувлик эса металлдан икки хил улчамда (№ 1 ва № 2) ясалади. Отни озиқлантириш вақтида юганни ечиб қуйиш керак.



18-расм. Сувлик турлари: 1- чарм сувлик; 2 - икки бугимли олдий темир сувлик; 3 – тўғри сувлик; 4 -“новожилов” сувлиги; 5 - резинали шайбалар.


Нухта отни боғлаш ски боғлаб боқиш учун хизмат қилади. У қаттик ва кен чарм қайишдан ясалади. Нухта юганга караганда мустаҳкам бўлади.

Юган - **нухта** ҳам юган, ҳам нухта вазифасини утайди, қаттик

қайишдан ясалади.

Бўйинча (хомут) (19-расм) от абзалларининг асосий қисми ҳисобланади чунки от аравани бўйинча орқали тортади. Бўйинча иккита ёғоч қисқич, хомутча, кигиз астар, чарм ёпинча, устки қисмини бириктириб турувчи қайиш, томоқ боғ ва иккита қулок боғдан ташкил топган. Бўйинча мустаҳкам бўлиб от бўйнига ёпишиб туриши, иш бажарганда елка ва қарчиғайни ортиқча босиб яра қилмаслиги керак.

Улчамлари мос келадиган бўйинча танлаш учун махсус ёғоч улчағич билан елканинг кенглиги ва бўйиннинг энлиги улчанади.



19-расм. Бўйинча.

Бўйинчалар ҳар хил тузилишда: яқка отли, стандарт хомутли ва катта - кичик қилинадиган А.Б.Воейков конструкцияли бўлиши мумкин. Бўйинчанинг уртача оғирлиги 9-11 кг.


Тормоз тасма (катта қуёшқон) нотеқис ерларда бўйинчани нормал тутиб туриш ва аравани тўхтатиш учун хизмат қилади. Тормоз тасма олдинги томондан бўйинчага беркитилиб қолган қисми от гавдаси устига қийғизилади.

Узун тизгин қайишдан, ёки мустаҳкам қаноп арқондан ясалади. Тизгиннинг (жилов) учи қайишдан ясалган бўлиб сувликнинг халқаларига бириктирилади. Аравадан туриб отни нормал бошқариш учун тизгиннинг узунлиги 10 метр бўлиши керак.

Дуга рус анжом - абзаллари қаторига киради. От бажарадиган ишнинг

огир - энгилигига караб дугаларнинг оғирлиги 1,5 -5 кг гача бўлиши мумкин.


Эгарча (20-расм) - маълум даражада бўйинча, дуга ва шотини кутариб туриш учун хизмат қилади. Эгарча тик турувчи (букрасимон) ва ясси шаклда бўлади.



20-расм. Дунг эгарча.

Эгар (21-расм) салт миниш ва юкларни от устига ортиб ташиш учун ишлатиладиган абзаллар ичида энг муҳими ҳисобланади. Эгарлар асосан 5 хил бўлади: кавалерия, казак (кавказ) спорт, юк ва осий эгарлари.


Кавалерия эгари иккита чиллик ва юмшоқ чарм туким, иккита канот, узангибоғ, утиргич, иккита узанги, иккита айил тасма ва кумилдириқдан иборат. Шунингдек, бундай эгарларда 4 та чарм сумка, 10 дона юк боғлаш тасмалари бўлиши керак. Вазни 39-42 кг.



21-расм. 1. Иш эгари. 2. Чопиш эгари.

Спорт ишлари пойга ва ишчи эгарларига, махсус уйинлар ва хотин-

кизлар минадиган эгарларга булинади. Улар кавалерия ва казак эгарларидан



22-расм. Юк эгари.


енгил лекин каттарок булади. Бундай эгарлар чучка терисидан ясалади. Осиё эгарлари каттик толдан тайёрланиб, усти чарм билан копланди. Баъзида унга пайлар ёпиштириб елимланади. Утиргичи чукур. Бундай эгар узок юриш ва купкари учун қулай.

От аравалари отларнинг кучидан рационал фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Йуллардан енгил юрадиган, чидамли, ғадир - будир ерларда куп ишлатилганда тез бузилмайдиган, осонлик билан буриладиган, кам силкинувчан, катта хажмли юкларни ортишга мослашган аравалар энг яхши аравалар хисобланади. Арава ғилдираги катта булиши мақсадга мувофиқ.

Аравалар тузилиши ва фойдаланишига қараб икки хил булади: юк аравалари ва енгил аравалар. Ишлатиш характерига қараб бир отли, икки отли, ва куп отли; юриш юмшоқлигига қараб рессорсиз ва рессорли; юк кутаришига қараб эса икки ғилдиракли ва тўрт ғилдиракли булиши мумкин.

Ўзбекистонда арава ғилдирак диаметрининг катта - кичиклигига қараб маҳаллий тилда улар "Қукон арава", "Тошкент арава", "Бухоро арава" номлари билан юритилади.

Спортда мусобақалар учун пойга чанаси, ишчи качалка (аравача), пойга качалкаси ва рекорд качалкаси қўлланади (23-расм).



23-расм. Спорт араваси.

Назорат саволлари:

- 1 От абзалларининг вужудга келиш сабаблари.
- 2 От абзалларининг турлари қандай бўлади?
- 3 От абзалларига бўлган талаблар қандай?
- 4 Рус дугали абзаллар қандай тузилган?
- 5 Юган, нухта, буйинча, дуга, узун тизгин тузилиши ва вазифаси қандай?
- 6 Эгар турлари қандай?
- 7 От спорти араваларининг вазифаси қандай?
- 8 От спорти араваларига бўлган талаблар қандай?
- 9 Спорт мусобакалари учун арава турлари қандай?
- 10 Ўзбекистонда ишлатиладиган юк аравалар қандай?

IV - БОБ. ТУРЛИ ЁШДАГИ ВА ЙЎНАЛИШДАГИ ОТЛАР

ТРЕНИНГИ

4.1. Ёш отларни тренингга тайёрлаш.

Йилги тугилган қулунинг шартли - рефлекс фаолияти қачон бошланади? Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Кузатишлар бу жараён қулун тугилганидан сўнг биринчи кунларданок бошланишини кўрсатади. Машқ қилиши бу муҳим даврида, одамнинг аралашishi биринчи навбатда муҳим бўлиши лозим. Одам овози кўп маротаба кўриш, эшитиш ва сезиш

омиллари билан қушилиб, қулуннинг келажакда буладиган ҳаракатлари ва ҳулкига асос солади. Қулун қўпол ва мулойим оҳанглари жуда тез ажрата олади ва шартли- рефлексор фаолият қонуниятига асосан, одам буйруқларини бажаришга бошлайди. Қулун туғилгандан сўнг 20 кун утгач, унда шартли рефлекслари ишлаб чиқаришга киришилади. Биринчи навбатта қулунни ўз ўрнидан туриб отбоқар иши учун жой бўшатишга ўргатиш лозим. Бунинг учун отбоқар денникга кириб мулойим, лекин қатъий оҳангда қулунга қараб "тур" деб буйруқ бериши лозим. Бунда қул билан бирорта ҳаракат қилинса янада яхши бўлади. Кейин у қулун олдига бориб этиёткорлик ва мулойимлик билан уни ўтган ўрнидан турғизиб, иложи бўлса кичик сабзи бўлагини бериши лозим.

Рефлексни тез ва мустаҳкам ишлаб чиқиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

1. Машқни бир кунда бир неча маротаба такрор ўтказиш.
2. Отхонада тинчликни сақлаш.
3. Қўлланадиган қўзғатиш чоралари бир хил ва доимий бўлиши,
4. Ишлаб чиқилган рефлексни доимий мустаҳкамлаш.

Қулунни уриш ёки унга нисбатан қўпол муносабатда бўлиш қатъиян ман этилади. Бир ҳафта, 10 кундан сўнг қулунга нўхта қийғизилади. Нўхта енгил, ихчам бўлиши керак. Биринчи қуни нўхта 2 соатга, кейинчалик ярим кун - эрталабдан тушгача қийғизилади. Нўхтани оҳиста ва эътибор билан қийғизиш лозим.

Қулун нўхтага тўлиқ ўргангандан сўнг уни отбоқар ўз қўлларида ушлаб қулунни ҳаракатга ўргатиши керак. Бунинг учун отбоқар қулунинг чап томонида турган ҳолда нўхта халқасидан ушлаб уни денникдан онаси орақасидан еталаб чиқариши лозим. Бунда қулуннинг танаси бирор нарсага урилиб шикастланмаслиги керак.

Қулун отхонадан ташқарига чиқарилгандан сўнг, нўхтасининг халқасига енгил жилов боғланади. Отбоқар чап қўлига жиловнинг икки учини олади, ўнг қўлида эса нўхтага жилов боғланган жойини ушлаб қулунни оҳиста

онасининг оркасидан эргаштириб юргизади. Бир неча кундан сунг дастлабки кўникмаларни эгаллаган кулун онасининг ёнида доимо эркин юргизилади. Кулунни юргизганда унга тик қараш тавсия этилмайди, акс холда у юрмайди ёки оркасига тисарилади. Кейинчалик кулунларга икки тарафга тортиб боғлаш, такалаш, юргизиш рефлекслари ўргатилади (ишлаб чикилади).

Кулунни юганга ўргатишда дастлаб у нўхтанинг устидан эркин кийгизилади ва ҳайвон нўхтанинг учидан ушлаб етакланади. Етаклашга яхши мослашгандан кейин, 8 - 9 ойлик кулунлар махсус қурилган ёпик хоналарда (манежда) ёки очик хавода (кордада) айланиб чопишга ўргатилади.

Ёпик хоналарда тойни жиловсиз айланиб чопишга ўргатиш мумкин. Бунинг учун ўргатувчи хона ўртасида туриб тойнинг чопишини узун камчи билан бошқаради. Чоптириш машинининг даврида, аста-секин, тойни бир хил юришдан иккинчи хил юришга ўргатиш керак. Тойнинг ёши бир йилга тулганда, у эгар - жабдукка ва аравага қўшилишига ўргатилади. Аравага қўшиладиган той жиловга ўрганган булиши лозим. Аравага ёки качалкага (2 гилдиракли спорт араваси) факат эгар - жабдук, юган, жилов оркали бошқарилишга, ўнгга, чапга бурилишга ва тўхташга тулик ўрганган тойлар қўшилади.

Иссик кунлар бошланиши билан машқ тўхтатилиб, тойлар 1,5 - 2 ой яйловга эркин қўйиб юборилади, ундан кейин системали индивидуал машқ килдиришга утилади.

Ўргатувчи тойларнинг ёшига, ривожланишига ва машқни бажариш қобилиятига қараб уларни гуруҳларга бўлади. Машқлар яхши самара бериши учун ҳар бир гуруҳ учун алоҳида календар иш режаси тузилиши лозим. Бажариладиган иш режасида машқ усулларининг турлари ва яйловга олиб чиқилиш вақти аниқ кўрсатилади. Яхши ривожланган, ўргача семизликда, қобилияти юқори бўлган тойлар синаш учун ипподромга юбориш учун тайёрланади.

Биринчи кундан янги туғилган кулуннинг тренинг учун керакли ҳаракатлари доимо тренерлик режими бўйича бажарилишига алоҳида эътибор

бериш керак. Тойларнинг тулик, яхши харакатланишини таъминлаш мақсаднда *моцион - тренингни* ташкиллаштириш лозим яъни уларни яйловга ёки отхона ёнида қурилган левадага кун буйи эркин ҳолда юргизиш учун чиқариш керак.

Чул ёки яйловда моционни ўтказиш учун, қулунлар ујори икки чавандоз қузатувида чиқарилади. Бир чавандоз ујор олдида кета туриб унга тезлик, керакли аллјур ва йуналишни кўрсатади. Иккинчи чавандоз ујор орқасида юриб унинг чўзилиб кетмаслиги ва тарқалмаслигини қузатади. Сайр қилиш масофаси 3-4 км ни ташкил қилади. Сайр охирида қулунларнинг чопиб харакатланиши албатта оддий кадамлаб юриш билан алмашинилади. Аллјурлар алмашиниб туриши тренер орқали қузатилиши ва белгиланиши лозим.

Қулунларнинг аҳволи, соғлиги ва ривожланишига қараб уларни икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Моцион - тренинг режими билан қулунлар 10-12 ойлик бўлганларича тарбияланади, кейин эса улар умумий биялар тудасига ўтказилади.

Қулун ҳаётининг дастлабки 3-4 кунда махсус бўлинмаларда сақланади сўнгра у онаси билан моционга чиқарилади ва кун сайин унинг сайр қилиш муддати узайтирилиб борилади. Биялар 5-7 кунлик қулунлар билан кичик гуруҳларда асралади. Қулуни 10-15 кунлик бўлганда эса бия умумий подага қўшилади.

Қулунлар онасидан 6-7 ойлигида ажратилади ва жинси буйича гуруҳларга бўлинади. (август, сентябр, октябр ойларида). Онасидан ажратилган қулунлар биттадан ёки иккитадан бўлмаларга жойлаштирилади. Бўлмалар майдони 9 м² атрофида бўлиши лозим. Бўлмалар автоматик сувдон билан жиҳозланган, қурук ва ёруғ бўлиши зарур. Ундан ташқари 10 - 15 бош қулунлар залларда умумий гуруҳда сақланиши мумкин (75 м²). Бўлмалар кунига 2 маротаба, заллар эса асраш даврида 1-2 маротаба тозаланadi.

Қулунлар дастлабки 1 ой мобайнида онасини ҳар соатда эмиши керак.

1-1,5 ойдан бошлаб қулун усимликлар билан озиклана бошлайди. Хаётини иккинчи ойдан эса уни ўргатиш ишлари бошланади. Қулун концентрат озикларни дастлаб 200 - 300 г дан, онасидан ажратиш даврида эса 3 - 3,5 кг дан истеъмол қилиши керак.

Ёш тойлар суткасига 4 марта озиклантирилади. Концентралар эрталаб, пешин ва кечқурун берилади. Пичан 3 марта, ширали озиклар 2 марта берилади. Кеч ва нимжон туғилган ҳайвонлар алоҳида ажратилади. Уларга 3 - 8 литрдан обрат ёки суюлтирилган сигир сути берилади (1 л сутга 25 г қанд қўшилади). Октябр - январ ойигача тойнинг ҳар 100 кг тирик вазнига - 2,8, бияларга - 2,5 озика бирлиги берилади. Январ ойдан ем миқдори 2,5-2,3 кг ни ташкил қилиши керак. Бунда ҳар бир озика бирлигига 105-106 г ҳазмланувчи оксил, 6,5-7,5 г кальций, 5,56 г фосфор ва 20 мг каротин тўғри қелиши лозим. Дастлабки ойлarda тойлар рационини 50-60 % (туйимлиги буйича) концентрат озиклар ташкил этиши керак.

Назорат саволлари:

1. Қулунлар қандай қулга ўргатилади?
2. Шартли-рефлектор фаолиятнинг қонунияти тушунчаси қандай?
3. Рефлексии тез ва мустаҳкам ишлаб чиқиш учун талаблар қандай?
4. Қулун қачон онасидан ажратилади?
5. Тойларни машқга қандай тайёрлайдилар?
6. Тойларни бўлмаларда сақлаш тартиби.
7. Қулун ва тойларни яйловда ёки отхонада қандай сақлайдилар?
8. Қулунларнинг моцион-тренинги қандай кечади?
9. Тойлар рационини қандай?
10. Ёш тойлар суткасига неча мартаба озиклантирилади?
11. 8 - 9 ойлик тойлар тренинги қандай кечади?

4.2. Отларни сувликка ўргатиш.

Йуртоқи ёки бошқа типдаги ёш тойлар, машқ қилдириш бўлимига келгандан сунг биринчи навбатда сувлик ва юганга ўргатилади. Юган отни

бошқариш учун хизмат қилади. Сувлиқ тилни босмаслиги, шунинг билан бир вақтда жуда эркин булмаслиги лозим. Сувлиқ оғиз бушлигининг тишсиз жойида - тил устида жойлашиши керак. Агар юган калта булса сувлиқ оғиз чеккаларини яра қилади, узун булса – отни бошқарганда тишларга тегиб, уларни зарарлайди. Юган хом ва чайир чармдан, сувлиқ эса металлдан, икки хил улчовда ясалади. Отни озиклантириш вақтида юганини ечиб қуйиш керак.

Юган солишдан олдин у сувликсиз хайвон бошига улчанади. Тойларга биринчи вақтда махсус икки тирсакли (тойники) сувлиқ кийгизилади. Ҳар хил "каттик" ва "юмшоқ" ёки катта отнинг сувликларини ишлатиш мумкин эмас.

Юган ва сувлиқ билан биринчи танишишда от оғзининг "намланиш" рефлексини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун докали халтачанинг ичига тузланган нон қуйиб тикилади ва у сувликка докали бинт ёрдамида бириктирилади.

Биринчи hafta мобайнида шундай сувлиқ ҳар куни 2-3 соатга кийгизилади. От оғзи курук булса у қийин бошқарилади. Яхши намланган оғиздан иш пайтида сулак ажралиб туради ва шундагина от яхши бошқарилади.

Назорат саволлари:

- 1 От оғзини сувлиқ ва югани кийгизишга ургатишнинг моҳияти нимада?
- 2 Сувликни туғри кийгизиш тартиби қандай?
- 3 От оғзининг "намланиш" рефлексини ишлаб чиқиш қандай кечади?
- 4 Сувликка қандай талаблар қуйилади?

4.3. Ёш отларни озиклантириш. Отларнинг сувга булган талаби.

Хозиргача оддий сайр учун миқладиған ва спорт отларининг озуқага булган талабининг узаро фарқлари тулик аниқ эмас. Купчилик от эгалари одатда отлар рационига белгиланган нормадан зиёд оксия моддасини қушишга интилади, бундай ҳолат ипподром отлари учун аниқ рацион ва норма белгиланмаганча давом этаверади. Лекин айна пайтда отларга бериладиган витамин, минерал модда, протеин ва бошқа моддаларнинг лимити мавжуд. Таҷрибалар курсатишича, от рациониди озик моддаларнинг

хаддан зиёд кўп бўлиши, уларнинг организмидаги модда алмашинувини бузилишига олиб келади. Хозирги даврда озика моддалардан 17 витамин, 10 алмашилмайдиган аминокислота, 15 минерал моддалар маълум. Ундан ташқари ёғ кислоталар, углевод ва бошқалар рацион тузишда инobatга олинади. Яхши тузилган рационда албатта бир нечта озика қўшимчалари бўлиши керак.

От спортида интенсив машғулотлар ва чавандоз оғирлиги отнинг озугага бўлган талабани оширади. Агар спорт отлари тўлик озуга қабул қилмаса улардан тезлик, чидамлилиқ ва спорт мусобақаларга бўлган қобилятни тўлик намоиш қилишни қутиш қийин.

Бошқоқилар тўйимлиги паст ҳисобланади ва улардаги лизин миқдори кам (айниқса мақажухорида) бўлади. Шунинг учун ёш ва катта отларга махсус озуга қўшимчалари берилади. Хамма юқори энергияли озикларда Д витамини, тузлар ва кальций миқдори кам, лекин улар фосфорга бой бўладилар. Протеинли қўшимчалардан балиқ, гўшт ва гўшт - суяқ унлари, қуруқ обрат берилади. Ундан ташқари соя қунжараси ўсадиган отларга лизин манбаи ҳисобланади (44 % протеин). Соя қунжарасидан ташқари пахта, зиғир, араҳис шротлари берилади.

Дағал хашак от рационидида муҳим ўрин эгаллайди. Олимлар отнинг хар 100 кг вазнига 0,5 кг - 1 кг хашак туғри қелиш керак деб ҳисоблайдилар. Чопиш учун тайёрланадиган отларга кўп дағал хашак берилмайди, чунки хашак отнинг озик - овқат хазм қилиш трактини катталаштиради, у тез чарчайди, нафас олиши қийинлашади. Йилқичилиқда силос хам қўлланади ва рационда унинг фоизи 30 - 50 % ни ташқил қилиши мумкин. Лекин спорт отларига силос берилмайди.

Спорт отига машқ ва мусобақа вақтида 7 - 8 мартаба кўп энергия керак бўлади. Уни озиклантирғанда энергия резервини таъминлайдиган, мускулларда кислород йиғилишига ёрдам берувчи озикларни қўллаш керак. Масалан гликоген ва эркин ёғли кислоталар мускулларни қўшимча энергия билан таъминлашда асосий ролни бажардилар. Ундан ташқари яхши

тайёрланган отлар энергия манбаи сифатида ўз тана ёғини ҳам ишлатадилар. Оддий, кам машқ қилинадиган отлар эса тана ёғини фақат 50 % га ишлатиши мумкин. Рационда ёғ моддасининг миқдорини ошириш, протеин миқдорини ҳам оширишга мажбур қилади, акс ҳолда энергия ва аминокислоталар нисбати бузилади. Тажриба натижалари кўрсатишича рационга 12% ёғ қўшимчаси билан биргаликда Е витамини қўшилганда спорт отларининг кон кўрсаткичлари энг яхши бўлган.

Ёш отларни озиклантиришнинг энг нозик ва қийин даври - она сutiдан ажратгандан то бир яшаргача бўлган вақт оралигидир. Омихта ем ва озукага ўргатилган қулунлар сutiдан ажратиш натижасида ҳосил бўлган стрессга яхшироқ тайёрланган бўлади. Ундан ташқари бундай ҳайвонларнинг тана оғирлиги каттарок бўлади. Қўшимча озик истеъмол қилмаган қулунлар онаси билан бўлган вақтдагина яхши ўсадилар, кейинчалик эса улар ориклаб бу даврдаги ўсиш потенциални тўлиқ кўрсатмасликлари мумкин.

Сutiдан ажратгандан кейин қулун мазали ва юқори сифатли озикларни истеъмол қилиши зарур. Озик оксил, минерал моддалар, витаминлар, энергетик ва бошқа моддаларга бой бўлиши лозим. Тана вазнининг камайишига зинҳор йўл қўймаслик керак, чунки бу даврда уларда мускул ва суякларнинг тез ўсиши кузатилади. Тажрибалар натижасида соф конли айғирнинг тана оғирлиги 544 кг, биянинг 500 кг га тенг бўлиши аниқланди. Улардан олинадиган қулунлар оғирлиги катта ёшдаги ҳайвонлар оғирлигига нисбатан 6 ойда - 46 %, 12 ойда - 67 %, 18 ойда - 87 % тенг бўлиши аниқланган. Лактация даврида бияларни яхши рацион билан таъминлаш лозим.

Онасидан ажратишдан бир оз олдин қулунларга 500 - 700 г (ҳар 100 кг тана вазнига) қўшимча озука берилади. Ажратгандан сунг омихта ем миқдори оширилади - 100 кг тирик вазнига 1,5 - 1 кг гача. Ундан ташқари ёш ҳайвоннинг ҳар 100 кг вазнига нисбатан 1,5 - 2,0 кг хашак берилади. Сули ўсадиган қулунлар учун яхши озик ҳисобланади.

Энергия манбаи сифатида мака, сорго (жухори), арпа, сояли шрот хизмат қилади. Бу озиклар лизин билан бой бўлади. Бу аминокислота зиғир,

арахис, кунгабоқар шротларда ҳам мавжуд. Кулунларга сувсизланган беда уни бериледи. Ундан ташқари озукаға меласса, витаминли премикс, туз ва бошқа минерал қўшимчалар қўшилади.

Жадвал № 2

Ўсадиған ёш отларнинг рационада омихта ем ва дағал хашак нисбати.

Гурухлар	Кунлик норма	Нисбат (%)	
		Омихта ем	Дағал хашак
3 ойлик эмадиган кулунлар	4,2	75-80	20-25
6 ойлик кулунлар	5,0	65-70	30-35
Бир яшар тойлар	6,0	45-55	45-55
Бир ярим яшар тойлар	6,5	30-40	60-70
Икки яшар тойлар	6,6	30-40	60-70

Агар ёш от бир ёшгача яхши ривожланган бўлса, у критик даврдан (хавфли давр) ўтди деб ҳисобланади. Хаётининг иккинчи йилида той тана массасининг кунлик купайиши сусаяди.

Бир яшар тойлар яхши ўсиши учун танасининг ҳар 100 кг оғирлигига 1-1,5 кг дағал озик туғри келиши керак. Агар той чопиш ёки бошқа спорт турлари учун мулжалланган бўлса, рационадаги омихта ем миқдори дағал озикдан куп булиши лозим. Рациондаги оксил миқдори 14 % ни ташкил килиши керак, бунда унинг 10 % и дағал хашакда ва купроги омихта емда булади. Умумий рационда кулунлар рационига нисбатан протеин, кальций, фосфор миқдори камрок белгиланади. Сули ва беда унининг миқдори ҳам камайтирилади. Ҳайвонлар суткасига 4 марта озиклантирилади. Бирярим, икки ёшли отларнинг протеин, кальций, фосфор моддаларига бўлган эхтиёжи камаяди. Спортда қўлланмайдиган 18 ойлик ёш отларга купрок дағал озик бериледи (60 - 70 %). Бунда дағал хашакнинг таркибидаги протеин миқдори

10,5 % дан кам булмаслиги лозим.

Устириш даврида айғирчалар ва биячаларнинг ривожланиши ҳар - хил бўлади. Айғирчалар биячаларга нисбатан озикка ва унинг сифатига талабчан бўлиши сабабли, уларнинг озиклантириш нормаси устун бўлиши лозим. Интенсив машқ қилдириш даврига келганда иккала жинсдаги хайвонларнинг озиклантириш нормаси деярли бир хил бўлади.

Октябрдан то январ ойигача айғирчаларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,8, биячаларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига эса 2,5 озука бирлиги берилади, январ ойдан бошлаб бу кўрсаткич 2,5 - 2,3 кг ни ташкил қилади. Бунда ҳар бир озука бирлигига 105 - 106 г ҳазмланувчи оксил, 6,5 - 7,5 г кальций, 5,5 - 60 г фосфор ва 20 мг каротин тўғри келиши керак.

Отларни керакли миқдорда ичимлик суви билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. От кўп вақт сувсиз яшай олмади. Тана таркибидаги 0,1 % сувни йукотиш от аҳволига салбий таъсир кўрсатади, 20 % лик сувсизланиш эса отнинг ўлимига олиб келади. Биянинг организмида 60 % сув, 17 % протеин, 17 % ёғ ва 4,5 % минерал моддалар мавжуд. Ёш тойларнинг организми эса 70 % сувдан ташкил топган. Ёши катталашиши билан отларнинг сувга бўлган эҳтиёжи камаяди. Ундан ташқари дағал озиклар ва омихта ем миқдори сувга бўлган талабни ўзгартиради. Масалан: дағал хашак сувга бўлган талабни оширади (31,6 кг). Агар рацион хашак ва донли маҳсулотлардан ташкил топган бўлса сувга талаб камаяди (17,4 кг).

Назорат саволлари:

1. Спорт отларнинг озукага бўлган талаби қандай?
2. Тулик озука қабул қилишнинг моҳияти қандай?
3. Машқ қилинадиган отларнинг қўшимча энергияга бўлган талаби қандай?
4. Спорт оти машқ ва мусобақа вақтида қанча энергия сарф қилади?
5. Рационга ёғ қўшимчаси ва витамин Е қўшишнинг моҳияти нимада?
6. Қулунларни озиклантириш тартиби қандай?

7. Қулунлар оғирлигининг катта ёшдаги ҳайвонлар оғирлигига нисбати қанча?
8. Бир ва икки яшар тойларни озиклантириш қандай кечади?
9. Бир яшар тойлар яхши усиши учун рационадаги омихта ем микдори қандай?
10. Октябрдан то январгача айғирчалар ва биячаларга сарфланадиган озик микдори қандай?

4.4. Аллюр турлари.

Умуман олганда отларнинг ҳаракатланиш усуллари *аллюр* деб аталади. Аллюр сифатларига қараб уларнинг хўжалик учун қанчалик аҳамиятли эканлигини аниқлаш мумкин. Отларнинг тўғри ёки нотўғри ҳаракатланиши уларнинг ҳаракат органлари қай ҳолатда эканлигини кўрсатади. Шунинг учун отни баҳолашда у турли усулларда юргизиб ёки чоптирилиб кўрилади. Аллюрнинг характери отнинг марказий асаб тизимига, гавда тузилишига, суяклар, мускуллар ва пайларнинг қай тарзда ривожланганлигига боғлиқ.

Одатда табиий ва сунъий аллюрлар фарк қилинади. Табиий аллюрлар одимлаб юриш, йуртиш, йурғалаш ва чопиш кабиларга бўлинади.

Одимлаб юриш - отнинг энг секин ҳаракатланиши ҳисобланади. Бу оғир юк тортувчи отларга хос типик хусусиятларидан биридир. От одимлаб юрганда оёқларининг кўтарилиши ва тушиши ҳар хил булади.


Одимлаб юриш 2 хил: секин одимлаб юриш ва тез одимлаб юришга бўлинади. Секин юрганда орқа оёқлар олдинги оёқларнинг ердаги изигача етмайди.

Йуртиш - олдинги ўнг оёқ кўтарилганда орқа чап оёқ кўтарилади ва хоказо. Йуртоқи отларни ўргатишда аллюрлардан енгил размашқа ва трот усуллари қўлланилади. Йуртоқи отлар тренинги ўзгарувчан, алмашинадиган



24- расм. Эркин трот.

аллюрларни бажариш билан утказилади. Йуртиш усуллари: *трот* (24-расм) - секин (қадам кенглиги 2м), 1км йулни 4,5-5 дақиқада йуртиб утиш, *размашка* (25-расм) – тротга караганда тезроқ - 2,5-3 дақиқада йуртиш утиш, *мах* - қадамни кенг ташлаб йуртиш. Жуда тез йуртиш - 1 км йулни 1 дақиқада босиб утиш (1 соатда 30 км.)



25- расм. Размашка.

Йургалаш - от олд ва орка оёқдарини параллел равишда бир тарафлама қутариб ташлайди.

Чопиш - (*галоп*) отнинг тез юриши ёки алохида - алохида сакраши. Соф конли отлар 1 дақиқада 1км масофани чопиб утадилар.Тез чопиш *карьер* дейилади.

4.5. Отларнинг ҳаракатланиш хусусиятлари.

Отларнинг ҳаракатланиш хусусиятлари хар хиллиги билан узаро фарк

килади. Уларнинг орасидаги фарқи - кадам узунлиги, такрорланиши ва бошқаларга боғлиқ. От юриши баланд ёки паст шаклда бўлиши мумкин. "Баланд " юришда отнинг олдинги оёқлари ердан баланд кутарилади ва билакузук буғимида қўп букилади. Бундай юришда (чопишда) кадам узунлиги қисқаради ва билак соҳасида шикастланишлар қўп кузатилади.

"Паст" юриш - чопишда от олдинги оёғини ердан баланд кутармасдан билакузук буғимини айтарли букмайди. Бундай ҳаракат энг самарали ҳисобланади, чунки бунда кадам узун бўлади. Отнинг ҳаракатланиш тури туғма бўлгани сабабли уни тренинг орқали кескин ўзгартиришнинг чораси йўқ. Яъни жуда баланд юришни " паст" юришга алмаштиришнинг иложиси бўлмайди. Лекин айрим мосламаларни қўллаш (оғир тақалар ва бошқ.) олд оёқларни олдинга чиқаришда инерция кучини оширади ва от танасини олдинга ташланишига ёрдам беради.

Тез чопиш отни хаяжонлантиради ва тезликни янада ошириш учун кадамни қисқартиришга ундайди. Бунга мутлақо йўл қўймаслик керак, чунки ишнинг самараси ошиши ўрнига от кучи бекор сарфланади. Шунинг учун ёш отни тулик тезликда ишлатишдан олдин унинг ҳаракатларини туғри йўлга қўйиш керак.

"Ҳаракат баланси" отнинг "йўртиш" аллюрида юқори даражали техникага эришиш учун, амалий ишнинг охириги, ҳал этувчи элементи ҳисобланади. Қўпчилик тез чопиш балансини тез ҳаракатланиш, туғри юриш билан таққослайдилар. Лекин бу мутлақо туғри эмас, чунки от нотуғри ҳаракатланганда ҳам ҳаракатланиш балансига эга бўлиши мумкин. Ундан ташқари туғри ҳаракатланиш туғма ҳислат бўлса, балансга қобилият тренинг жараёнида ишлаб чиқилади.

Б.М.Бибиков ва В.В.Обезьянников баланс тушунчасини қуйидагича изоҳлайдилар: "Балансга эга от чавандоз ва ўзининг хоҳишига қараб ўз отириқ марказини ўзгартира олади". Лекин бундай тушунча баланс моҳиятини тўлиқ очмайди. Н.Н.Славин буйича:"От энг юқори тезлик билан йўртиши учун керакли баланс деганда – мукамаллик, рефлексор даражагача **тананинг**

оғирлик *марказини* *ўзгартириши* хусусиятини эгаллашига тушуниш лозим. Бундай хислат ҳар бир йуртадиган отга турли шароит ва вақтда келади. Тез йўртиш балансини ишлаб чиқиш учун махсус усул йўқ чунки баланс хисси отга кейичалик, машқ натижасида келади. От баланс хиссини сезганидан кейин кескин ўзгаради, унинг иши енгиллашади, чопиши тезлашади ва у бу хиссини ҳеч қачон йўқотолмайди.

Назорат саволлари:

1. От ҳаракатланиши қандай тўғри қуйилади?
2. "Баланд" юришни изоҳлаб беринг?
3. "Паст" юришни изоҳлаб беринг?
4. Ҳаракатланиш балансини изоҳлаб беринг?
5. В.В.Обезьянниковнинг баланс тушунчасини изоҳлаб беринг?

4.6. Тойлар тренинги.

Машқ қилдириш ва синаш отларнинг соғлигини яхшилади, иш қобилиятини, шароитга мослашувчанлик хусусиятини ва ҳар хил касалликларга чидамлигини оширади. Тизимли равишда машқ қилдириб ва синаб турилмаса, ҳар қандай от зоти ҳам такомиллашмайди, уларнинг авлодлари яхши хусусиятларини ўзида сақлаб қололмайди.

Машқ қилдириш деб, отларнинг шундай ҳаракат тизимига айтиладики, бунда улар ҳар хил узокликдаги масофани турли аллюр ва турлича тезликда босиб ўтадилар. Отларнинг зотига ва типига қараб машқларнинг турлари ва уларнинг бажарилиш усуллари ҳар хил бўлади. Отларни машқ қилдириш даражаси қанчалик юқори бўлса, от шунчалик яхши чиниқади, иш қобилияти яхши бўлади, ҳаракати силликлашади, улар бажариладиган иш миқдорига аввалгига қараганда кам куч сарфлайдилар. Бундан ташқари тизимли машқ қилдириш давомида отларнинг юрак, упка, мускуллари ва марказий асаб тизими яхши ривожланади. Организмда модда алмашинуви кучаяди, энг муҳими, аста - секин уларнинг потенциал имкониятлари очила боради.

Ёш отларни завод типига машқ қилдириш 6 ойлигидан бошланиб, 3,5

ёшлигида тугалланиши керак. Бу даврда улар яхши ривожланади ва эркин ҳаракат қилишга мослашади. Машқ қилдириш нормаси аста – секин ошириб борилади, отнинг зуриқишига йул қуйилмайди.

Ёш тойларни 6 ойлигидан 2.5 ёшлигига қадар устириш ва машқ қилдириш 4 даврга бўлинади.

Биринчи давр 6 ойлигидан 1 ёшгача (октябрдан майгача). Бу даврда барча ёш тойлар нўхта билан етаклашга ўргатилади.

Иккинчи давр 1 ёшдан 1,5 ёшгача (майдан октябргача) кечади. Бу даврда тойлар яйловда ўтлатилади, эркин ҳаракат қилишга ва кичик тўсиклардан сакрашга ўргатилади.

Учинчи давр 1,5 ёшдан 2 ёшгача (октябрдан майгача) кечади. Бу даврда отлар гуруҳ – гуруҳ бўлиб бўлмаларда сакланади. Улар бир суткада 3 мартаба озиклантирилади. Ёш отлар бу даврда сакрашга (чавандозсиз), юганга, етаклашга, тозалаш вақтида жим туришга ўргатилади.

Туртинчи давр 2 ёшдан 2.5 ёшгача кечади. Отлар яйловда ўтлатилиб уша ерда асралади. Гуруҳ қилиб машқ қилдириш давом эттирилади.

Той бир ёшга тўлганда, уни эгар жабдуққа ва аравага қўшишга ўргатиш лозим. Арава ёки қачалкага фақат эгар жабдуқ, юган, жиловга; унга, чапга бурилишга ва тўхташга тўлиқ урганган тойлар қўшилади. Той ҳаётининг дастлабки бир ярим йилида, унинг етарлича ва керакли ҳаракатланиши қўйидаги режали усуллар билан амалга оширилади:

1. Туғилгандан то онасидан ажратилганча онаси билан сайр қилдириш.
2. Сутдан ажратилгандан то 10 ойгача чул ёки левадада яйраб юриш.
3. 10 ойлигидан бошлаб манежда ишлаш ва тартибли ҳаракатланиш.
4. Машқ қилдириш.

Дастлабки тренингга ёндашишдан олдин унинг вазифаларини аниқлаш ва уларни ечиш учун барча тадбирларни ўтказиш керак. Дастлабки тренингнинг мақсади - ёш отни ипподромда ишлаш ва синовларда қатнашишга тайёрлашдир. Бу даврнинг асосий вазифаси - тойнинг чопиш тезлигига унча ихамият бермасдан организмнинг барча системаларини ҳар томонлама

ривожлантириш ва ҳаракатланиш тартибини тақомиллаштиришдир. Иккинчи вазифа - от оғзини сувликка ўргатиш ва жиловнинг энг нозик ҳаракатларини сезишга тайёрлаш, чунки оғиз чавандоз ва отни узаро боғлайдиган ягона нуктаси.

Йулақчага биринчи мартаба чиқишда ёш отни минмасдан ёнида юриб йулақча билан таништириш лозим. Бунда тренерга иккита отбоқар ёрдам беради. Тренер ва той орасида узаро ишонч ва тушунарлик тулиқ борлигига амин бўлгандагина отбоқарларга жавоб берилади.

Тойларни манежда чоптириш аста - секинлик билан кечади. Дастлаб ўргатилган шартли рефлекслар мустахламланади. «Заездка» ёки оддий қилиб айтганда ёш отларни эгар остида юриш, аравага қушиш, чавандоз амрига буйсундириш ишчи отлар учун 2-2,5 ёшлигида, зотдор салт миниладиган отларда 1,5 ёшлигида, йўртоқи отларда 10-12 ойлигида бошланади. Бу давр Ўзбекистон шароитида апрел - май ойларига тўғри келади. Баҳорда машқ килдиришнинг дастлабки даври кишда ўтказиладиган машқларни такрорлашдан, яъни тойларни абзалларга ўргатишдан бошланади.

Машқ килдиришда тойлар ёши ва умумий ривожлашишига қараб гуруҳларга ажратилади. Йўртоқи зотга мансуб ёш тойлар системали машқ килдиришга 1,5 ёшдан бошлаб ўргатилади. Улар одимлатиб секин ва тез йўрттириб, размашка ва маҳ каби усулларда юргизиб ўргатилади. Тизимли машқлар ниҳоясида ҳар бир той 1600 м масофани 3 дақиқадан тез йўртиб ўтиши керак.

Ййловга чиқиш даври бошланиши билан қупчилик отчилик хўжаликларида тойларни йулақчада машқ килдириш ишлари тўхтатилади. Уларни катта ёшдаги отлардан ажратиб ва жинси бўйича гуруҳлар тузиб ййловга чиқарадилар.

Бир яшар тойларни ёзда ҳам йулақчада машқ килдириш - ёш хайвоннинг ривожланиш жараёнини тезлаштириш йулларининг биридир. Аммо тойларни ёзда ййловдан тулик маҳрум қилиб, тулик машқ килдириш мақсадга тўғри келмайди. Ёзги тренинг даври ййловда эркин юриш билан

биргаликда тренингни ҳам ўз ичига олиб рационал тақсимланиши керак. Бундай тақсимланиш ёзги озиклантирувчи левадаларда амалга оширилиши мумкин. Бундай тартибда иш олиб борилса тойлар йулакчага қунаро чиқарилади. Йулакчада иш ярим кун мобайнида бажарилади. Ёзги тренинг вазифалари - ишчи кўникмаларни урганиш ва асосий ишга секинлик билан киришишдир. Ёзнинг охирига бориб иш миқдори 5 км гача етказилади.

Назрат саволлари:

1. Бир ёшга тулганда тойларни, эгар жабдуққа ва аравага кўшишга қандай ургатади?
2. Тойларни машқ қилдириш ва синашнинг моҳиятини изоҳлаб беринг.
3. Тойлар тренинги вазифалари қандай?
4. Дастлабки тренингнинг мақсади нимада?
5. Тойларни минишга ургатиш қандай кечади?
6. Бир яшар тойларни езда йулакчада машқ қилдириш тартиби қандай кечади?
7. Ишчи йулакчага чиқиш қодалари қандай?
8. Бир яшар тойларнинг ёзги тренингини изоҳлаб беринг.
9. Йуртоқи ёш тойларни тизимли машқ қилдиришни изоҳлаб беринг.
10. От аллюрлари ва уларнинг аҳамияти нимада?

4.7. Бир ярим, икки яшар отларни йил фасллари

бўйича тренинг қилдириш.

Ёш отларни машқ қилдиришда иккита муҳим муаммо устида тўхталиш зарур: "биринчиси - иштирокчиларнинг ишга бевосита ёндошиши. Кўп йиллик кузатишлар натижалари от тренингга сидқидилдан, сифатли ёндошгандагина яхши самара кутиш мумкинлигини кўрсатдилар. Ишга юзаки қараш ва отга фақат машқ вақтида эътибор бериш яхши натижаларга олиб келмайди ва ёш отнинг келажақдаги ривожланишига салбий таъсир қилади.

Иккинчи масала - ёш отнинг келажаги туғрисида асосланмаган, шонилинч хулоса чиқариш. Чунки ёш отнинг экстерьер кўрсаткичлари ва

тренер ургатувчининг иш тажрибаси, ёш отнинг келажакда кутиладиган натижаларини олдиндан айтишга ҳеч қачон имкон бермайдилар. Шунинг учун ҳамма ёш, машқ қилинадиган тойларга бир хил меҳр билан ёндошиш зарур. Акс ҳолда айрим ёш отларнинг яхши хислатлари очилмай улар сафдан асоссиз чиқарилиши мумкин.

Дастлабки тренингнинг биринчи даврида қуйидагиларга эътибор бериш ва бажариш лозим:

1. Ота бажарадиган ишига ва чавандозга нисбатан хотиржамлик ва ишонч хиссини ҳосил қилиш.
2. Чавандоз амрига бўйсۇниш ва манежда ишлашга тўлиқ урганиш.
3. От оғзига ишлов беришни бошлаш.
4. От ҳаракатини тўғри йўлга қўйиш.

Той олдиндан олган сабоқларни унутмайди, аммо машқларни бошлашдан олдин, унга ёзда ургатилган машқларни қайта ўтказиб эслатиш зарур. Бу даврда тойлар узун тизгинда машқ қилинади. Йўртоқи тойларни манеждан ташқарида тизгинда машқ қилдиришга тавсия этилмайди, акс ҳолда уларнинг эътибори булиниб машқ самарали булмайди. Ёш хайвонларни дастлаб машқ қилдирганда ургатувчининг ёнида албатта ёрдамчи отбсқар булиши лозим. Тойлар билан ҳар куни ишлаш керак. Бу даврда кунлик чопиш масофаси 5 км га етказилади. Тойлар экипаж - арава, абзалларга, йўртоқи тойлар эса йўртиш турларига ургатилади.

Бу даврда тойларнинг чопиш тезлигига унча аҳамият берилмайди, энг муҳими машқнинг бажарилиш тўғрилигига эътибор қаратилади.

Қиш даврида ҳам тойларнинг чопиш тезлигига аҳамият берилмайди. Бу даврда тойлар икки яшар ҳисобланади. Асосий мақсад-от оғзига ишлов бериш ва ҳаракатни тўғри йўлга қўйиш. Тойларни гуруҳда ишлашга ўтилади. Кунлик масофа 6 км га етказилади. Йўртоқи отларнинг иш графиги қуйидагича:

Одимлаб юриш - 1,0 км

Эркин трот - 2,5 км

Отлар йулакчага чиқиш ва кайтиш, йулакча ва манежда одимлаб юриш амурлари билан ишлайдилар. Машқ қилинадиган отлар зинхор чарчамасликлари керак. Бу билан биргаликда отлар семириб кетишига ҳам йул қўймаслик лозим. Баҳор - ёз даврида тренинг иши энг қиска ва лекин энг кичин ҳисобланади. Бу давргача тренингнинг асосий вазифалари - ёш отлар ривожланиши ва мукаммаланиши учун барча шароитлар яратилишидир. Бунинг учун режалаштирилган машқлар ўтказилиши керак. Тойлар чиниқиб мускулатураси анча қотган ва ривожланган бўлади. Шу билан биргаликда тугма нуқсон ва тасодифий хатолар тўғриланади. Тойлар ҳаракатнинг аниқ механикаси ва ритми билан топишган бўладилар.

Эрта баҳордан бошлаб машқ қилинадиган барча отлар уз хусусияти ва қобилиятларига қараб гуруҳларга бўлинади. Кейинчалик бажариладиган ишда ҳар бир хайвонга алоҳида машқ тартиби қўлланиши керак. Бу даврда отлар гуруҳ билан, жуфт, турли комбинация, алоҳида ишлашга киришади. Баҳорда эгар остида ишлаш бошланади. Эгар остида ишлаш отнинг елка ва тос камарларини мустаҳкамлайди. Машқ қилдирадиган чавандознинг вазни 50 кг дан ошмаслиги лозим.

Ёз даврдаги дастлабки тренинг шу вақтгача қилинган ишнинг охириги, яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Бу даврда ургатувчи ёш отга нисбатан хаддан зиёд эътиборли бўлиши лозим. Июнь ойи ёзги тренингга тайёргарлик вақти ҳисобланади. Июль ва август ойлари эса отни ипподромга топшириш муддатидир. Ипподромга тайёрланиш вақтида олдиндан ўрганилган барча машқлар мустаҳкамланади. Отда мусобақа ҳисси, курашга интилиш, миникконликсиз иштироқ этиш, стартни яхши қабул қилиш каби ҳислатлар ишлаб чиқилади.

Чопиш масофаси 8 км гача етказилади. Бу даврда отнинг чопиш қобилиятига алоҳида эътибор берилади ва у секундомер ёрдамида ўлчанади.

Назорат саволлари:

1. Ёш отларни машқ қилдиришда қандай иккита муҳим муаммо мавжуд?
2. Қуз - киш фаслида тренинг қилдириш тартибини изоҳлаб беринг.

3. Дастлабки тренинг тартиби қандай?
4. Куз машқида кунлик чопиш масофаси қанча?
5. Киш - баҳор фаслида тренинг қилдириш тартиби қандай?
6. Қишда йуртоқи отларнинг иш графиги қандай?
7. Баҳор - ёз фаслида тренинг қилдириш тартиби қандай?
8. Машқ қилдирадиган чавандознинг вазни қандай?
9. Эгар остида ишлашнинг моҳияти нимада?
10. Ёз фаслида тренинг қилдириш тартиби қандай?
11. Июнь ойи ёзги тренингнинг асосий вазифаси нимада?
12. Ёз машқида отларнинг кунлик чопиш масофаси қанча?

4.8. Йуртоқи отларни ипподромда машқ қилдиришда қўлланадиган химоя мосламалари. Машқлар тартиби.

Тойларни от заводида тўғри машқ қилдириш, уларни турли шикастланишлардан сақланишга ёрдам беради. Умуман айтганда бу - йуртоқи ёш отни машқ қилдиришнинг принципларидан биридир. Машқ қилдириш учун қўлланиладиган жихозлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Ҳаракатланиш жараёнида шикастларнинг олдини оладиган "пойабзал".
2. Ҳаракат жараёнида бошни фиксация қиладиган ва қуриш ҳамда эшитиш қобилиятини чегаралайдиган мосламалар.
3. Йуртиш ҳаракати вақтидаги нуқсонларни йўқ қилувчи ёки яширувчи маҳсус мосламалар.

Профилактик " пойабзал" от ҳаракатланганда бирор оёғининг туёғи ёки тақаси билан бошқа оёғини урганда қўлланади. Химоя учун "ногавка" (26-расм), "напятчоник" ёки резинали "қобур" ишлатилади.


От оёғининг билакузук бўғимидан пастроқ жойлашган тўқималарни химоя қилишда *бинтни* яъни докали ёки бошқа хилдаги тасмани қўллаш энг оддий ва тарқалган усул ҳисобланади ва йуртоқи отларнинг оёқларини бинтлаш учун аксарият ҳолатларда қўлланади. Бинтни урашдан олдин оёкга пахта ураш лозим, чунки пахтасиз ишлатилганда бинт оёқни жуда қаттиқ

оёқини, натижада кон айланиши кийинлашади ва оёкнинг орқа тарафидан ётган пайлар осонликча деформацияга учрашлари мумкин. Махсус, пахта ва тўқимолдан ясалган ёстикчани боғлаш янада яхши самара беради.


Мусобака ва машқ пайтида докали ёки бошка матодан тайёрланган бинтлар қўлланилмайди. Бунинг учун махсус эластик бинт ишлатилади. Агар бинт зарбани кераклигича қайтара олмаса, унинг ўрнига махсус ногавка кийгизилади. Ногавкалар ҳар бир от учун шахсий булиб оёқ шаклига мос келиши керак. Ногавка бинтлар устидан кийгизилади. Олдинги оёқларнинг билакузугини химоя қилиш учун махсус "наколенник" қўлланади. Одатда наколенник олдинги оёқларнинг экстеръери бузилганда ишлатилади. Гирсақлар ҳам наколенник билан химояланади.

Оёкнинг елка қисмининг химоясини "штаны" (27-расм) деб номланган мослама таъминлайди. Орқа оёқлар учун мулжалланган ногавкалар сакраш, тушок бугимларини ва билакузукни химоя қилади. Орқа оёқ туёғининг туёқ айланаси ёки жиягининг жарохатланиши "козырёк" (26-расм) билан химояланади.





26 – расм. Ногавкалар.



27-расм. Наколенниклар. Штани, наколенниклар, напяточник.

Отнинг ён атрофни куриш имкониятини камайтириш чоралари шартли рефлекс ишлаб чиқиш ва ҳаракат пайтида салбий таъсирларни камайтириш учун қўлланилади. Заводда ипподромга тайёрланадиган отларга куриш қобилиятини камайтирадиган мосламалар ишлатилмайди. От уз атрофидаги ҳамма нарсани қуриши керак. Ипподромда эса йўқорида қайд этилган чора хардоим қўлланилади.

Отнинг қуриш майдонини чегаралаш учун тулик ва қисман ёпилган "наглазник", "блиндер", тўр; узокдан яхши қурмайдиганлар учун эса "муфта" кийгизилади. Агар йўртоқи от хаддан зиёд хаяжонланадиган булса махсус қулокчинлар яъни шовкинни сусайтирувчи мосламалар қуланади.

Кузнинг сентябр ойида охирга қолган икки яшар отлар ипподромга кетгандан кейин уринларига дала уюрларидан бир ярим ёшли тойлар

келтирилади. Заводда тойлар бўлимида ёш отлар жинси бўйича бўлинади ва кейин чавандозлик бўлимига ўтказилади. Бу бўлимдаги тойлар чавандозларга беркитилади ва охирида ҳаммаси отбоқарлар қаровига берилади. Катта бўлимнинг чавандозлари ўз бўлимининг тойлари ҳақида барча маълумотларга эга бўлишлари керак. Тойларни ажратиш, уларни чавандоз ва отбоқарга беркитиш ва бошқа ишлар заводнинг тренерлари (урғатавчилар) орқали амалга оширилади.

Машк қилинишдан олдин янги келтирилган тойлар билан олдиндан ўтказилган машклар қайтарилади. Қуёшли кунларда тойлар қачалкага қўшилади Ёмғирли кунларда эса иш манежда ўтказилади. Манежда иш енгил даражада кечади. Тойларга вақти - вақти билан обёрчек қийғизилади. Ёуртоқи отлар қишқи мавсумида қачалкада эмас балки чанада машк қилинадилар.

Қишда ишнинг асосий мақсади - ёш отларни тулик тартибга ўргатиш, тизгин билан бошқарилишга қўникма ҳосил қилиш, ёуртиш ҳаракатларининг тўғри, самарали услубларини мустаҳкамлаш, отлар гуруҳида ишлаш, уларнинг тезлигини ошириш ва бошқ.

Чана билан ишлаш жараёни ҳар кунга режалаштирилади. Машк дастурида отлар таркиби, чавандоз насаби, бўлимлар рақамлари келтирилади. Шу дастур бўйича кечқурундан тайёргарлик қўрилади. Тренер режалаштирилган йўналишнинг аҳволини яхши билиши керак. Чавандозлар чиқишга яхши тайёрландилар, қийимлари иссиқ, пухта бўлиши лозим. Эрталаб ишга мулжалланган барча тойлар чаналарга қўшилади ва гуруҳ бўлиб чиқади. Кечқурун машк - сайрдан кейин отларга бутқа берилади ва улар левадага чиқарилади. Машк икки кун бароварига ўтказилмаслиги керак. Вақти - вақти билан отларга мулжалланган бир кунлик дам олишдан ташқари 3 - 4 кунлик дам берилади ва отлар катта левадага чиқарилмайди.

Ёз давридаги муолажалардан энг муҳими отларни тақалашдир. Чунки ёзги йўлқачда тақаланмаган отни ишлатиш мумкин эмас акс ҳолда тақаланмаган ёуртоқининг оёқлар ҳаракат амплитудаси қисқаради, ҳаракатлар нотўғри бўлади ва кейинчалик оқсаш бошланади.

Назорат саволлари:

1. Машк вақтида шикастланишларга қарши қўлланиладиган инвентар моҳияти нимада?
2. Машк қилдириш учун қўлланиладиган жихозлар гуруҳлари қандай?
3. Профилактик "пойабзал" деганда нимани тушунаси?
4. Бинт-докали тасмани қандай қўллайдилар?
5. Орқа оёқ туёғини химоялаш усуллари қандай?
6. Олдинги оёқларни химоялаш усуллари қандай?
7. Қуриш майдонини чегаралаш қандай кечади?
8. Бирярим яшар йўртоқи от тренингининг кузги машк дастури қандай?
9. Ёш от тренингининг қишки машк дастури қандай кечади?

4.9. Салт минилувчи отларни машқ қилдириш ва ипподромда синаш тартиби.

Салт минилувчи отлар, турига қараб, ҳар хил системада машқ қилдирилади. Соф конли салт минилувчи ва бошқа тез етишувчан отларнинг тойлари минишга ва машқ қилдирилишга 1,5 ёшлигидан ўргатила бошлайди. Дастлаб улар юган солишга ва 4 - 5 кундан кейин чилги, жаҳалтирик ҳамда эгар уришга ўргатилади. Ёш тойларни вазни 40 - 45 кг келадиган ёш болалар ургатиши керак.

Тренинг бошида тойлар қатта ёшдаги отлар билан биргаликда машқ қилдирилади, кейин улар жинси ва ёшига қараб гуруҳларга ажратилади.

Тойларни чавандозга яхши ўргатишда уни эркалаш, овоз чиқариб керакли аллюрда юргизиш, қўлдан қанд ёки нон бериш каби ишларнинг аҳамияти гоят каттадир.

1,5 ёшли тойлар маълум даражада чавандоз билан машқ қилишни ўргангандан сўнг тизимли равишда машқ қилдирила бошлайди. Илк даврда улар 2 - 3 км масофага секин одимлатиб ва йўрттириб юргизилади. Машқни одимлатиб бошлаш ва секин одимлатиб юргизиш билан тугатиш шарт. Қун охирида уларга секин, тўрт оёқлаб (галоп, кентер) чопиш усуллари ўргатила

бошлайди. Киш фаслида ер тойганок булиб, кор билан копланган пайтларда 11 дан 12 гача кентер чопиш тухтатилиб, одимлатиб ва йурттириб машк килдирилади. Баҳорда икки ёшли тойлар кентер чопишда 1000 - 1500 м га сунга 2000 - 2500 м га чоптирилади.

Агар 2 ёшли тойлар 1000 - 1200 м масофани турт оёклаб тез ва эркин чопиб утса, улар ипподромда синаш учун яркли отлар деб хисобланади.

Салт минилувчи отларни ипподромда машк килдиришнинг йуртоки отларни машк килдиришдан бирдан - бир фарки - уларни хужаликлардан шу отларни миниб келган ургатавчилар ва отбоқарлар машк килдиради ва синайди.

Пойгага тайёрлаётган киши эрталаб отни факат етаклаши, мусобакага 2-3 соат вақт колганда эса унга 900 - 100 гр концентратли озик ва ярим челак сув бериши керак. Отларга мусобака бошланишига 30 дакика колганда нар ва юган урилади. Чавандоз эгар устига утиргач, ургатувчи айилни махкам тортилганини текшириб куради. Ҳакамнинг учинчи кунғироғидан сунг, чавандоз отни 300 — 400 м масофага тез чоптириб мусобакага тайёрлайди.

Икки ёшли отларни синашда уларни камчилаш ёки такимлаш мумкин эмас. Отнинг тезлиги чопиш айланасининг хамма қисмларида деярли бир хил булиши керак. Чопиш масофасини туғри хисобга олиш, отнинг қобилиятини яхши урганиш ва уни туғри таксимлаш чавандознинг маҳоратига боғлиқ. От финишга келгандан сунг совитилади. Икки яшар айғирларни синашда чавандознинг оғирлиги эгар билан биргаликда 57 кг, 3 ёшлида 58 кг, катта ёшли отларда 59 кг, бияларни синашда эса чавандознинг оғирлиги 2 кг оз булиши лозим.

Назорат саволлари:

1. Ахалтака зотининг сифатлари қандай?
2. Араб зотининг сифатлари қандай?
3. Соф қонли салт минилувчи от зотининг сифатлари қандай?
4. Салт миниладиган отлардан фойдаланиш ва машк килдириш тартиби қандай кечади?

5. Салт миниладиган отларни ипподромда синаш тартиби қандай?
6. Отни пойгага тайёрлаш қандай кечади?

4.10. Оғир юк тортувчи отлар тренинги.

Оғир юк тортувчи отлар оғир ва ўрта оғирликдаги юкларни ташишда қўлланилиб хўжаликдаги энг оғир юмушларни бажаришда ишлатилади. Отларни хўжаликда ишлатишнинг икки хил усули мавжуд: аравага қўшиб ва устига юк ортиб ишлатиш. Отлар асосан трактор ва бошқа кишлок хўжалик машиналари билан ишни бажаришнинг иложи бўлмаган кичик жойларда ишлатилади. Отлар кучидан рационал фойдаланиш учун уларни йил давомида бир меъёردа ишлатиш зарур. Отларнинг иш куни 8-10 соатга тенг бўлиб, улар кундузи 2-3 соат дам олишлари керак.

Оғир юк тортувчи отларни машқ қилдириш баъзи бир томонлари билан бошқа зот отларни машқ қилдиришдан фарк қилади. Бунда эътибор асосан уларнинг иш қобилиятини оширишга қаратилади.

Оғир юк тортувчи от зотларини тизимли машқ қилдириш илк бор 1926 йилда бошланди ва 1930 йилда Йилқичилик илмий текшириш институти томонидан тизимли машқ қилдиришнинг схемаси ишлаб чиқилди. Бу схемада оғир юк тортувчи отларнинг иш қобилиятини ошириш йўллари аниқ кўрсатилган эди. Оғир юк тортувчи от тойлари онасидан ажратилгач, биринчи йили гурухларга бўлиниб, айғир ва биялар билан биргаликда йилқида, иккинчи йили алоҳида - алоҳида машқ қилдирилади. Оғир юк тортувчи отларни текис йўлларда чана, турли типдаги араваларга қўшиб машқ қилдириш керак.

Ҳаётининг дастлабки 5 ойида тойларни 20-30 кг тортиш кучида одимлатиб ва секин йўрттириб ҳаракатланишга ўргатилади. Ой сайин оғирлик ва босиб ўтадиган масофа кўпайтириб борилади. Ипподромнинг машқ режасида 2 ёшли отларни машқлар ниҳоясига етай деб қолганда икки кун 8 км масофага кучли машқ қилдириш белгиланган. Машқ охирида тортиш кучи енгил отлар учун 170 кг га оғир отлар учун 230 кг га

синалади. 2,5 ёшли отларнинг иш қобилияти комплекс ривожланиши керак.

Синашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: маълум тортиш кучида отларнинг одимлаш ва йўртиш қобилиятини; 200м масофани 200-300 кг тортиш кучида босиб ўтиш қобилиятини ва максимал тортиш кучини аниқлаш. Булар отнинг ривожланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Тезлик бўйича синалганда от 2 км масофани 7 дақиқада йўртиб босиб утса "3" баҳо, шу масофани 18 дақиқада одимлаб босиб утса "4" баҳо, тортиш кучи бўйича синалганда эса 200 м масофани маълум иш нормасида босиб ўтганда "4" баҳо қўйилади.

Наслдор оғир юк тортувчи отларнинг максимал тортиш кучини синашда А.Б.Войков асбобидан фойдаланилади.

Назорат саволлари:

- 1 Оғир юк тортувчи отларнинг иш кучи канча давом этади?
- 2 Оғир юк тортувчи отлардан қандай фойдаланилади ?
- 3 Оғир юк тортувчи отлар кундузи қанча дам олиш керак?
Оғир юк тортувчи от зотларини тизимли машқ қилдириш қачон ва
- 4 қим томонидан амалга оширилган?
- 5 Оғир юк тортувчи от тойлари қандай машқ қилдирилади?
- 6 Оғир юк тортувчи от тойлари қандай синалади?

4.11. Ишчи отлар тренинги.

Отлардан иш хайвони сифатида кенг фойдаланилади. Чунки, отлар йилнинг ҳамма фаслларида ҳар қандай об-хаво шароитида ва ҳар қандай йўлда максимал даражада иш бажара оладилар. Отнинг иши унинг тортиш кучи ва босиб ўтган масофасига қараб белгиланади.

Отнинг арава ёки оғир юк тортиб юриш қобилияти унинг тортиш кучи деб аталади. Тортиш кучи отларнинг соғлиги, машқ қилганлик даражаси ва семизлигига боғлиқ. Отларнинг тортиш кучи ҳақиқий, нормал ва максимал тортиш кучи сифатида 3 га бўлинади:

- хакикий тортиш кучи деганда отни синаганда юк тортишда сарфланган кучига айтилади.

- нормал тортиш кучи деганда нормал озикланиш шароитида отлар ойлар мобайнида сарфлаган тортиш кучи тушунилади. Бундай шароитда от ўз вазнини нормал саклайди.

- максимал тортиш кучи деб отларнинг соғлигига зарар келтирмасдан хар замонда бир марта максимал даражада сарфланган энг юкори тортиш кучига айтилади. Тортиш кучи динамометр билан аникланади. Отларнинг тортиш кучи уларнинг вазнига боғлиқ, лекин нормал тортиш кучи кичик отларда кўпроқ булади. 400 кг келадиган майда отларда тортиш кучи ўз оғирлигининг 15% ни, 500 кг ли ўрта оғирликдаги отларда 14% ни, 600 кг ли йирик отларда 13% ни ташкил қилади.

Профессор Горячкин В. П. қуйидаги формулани тавсия этади.

$$P = \frac{Q}{9} + 12$$

Бунда: P - норма

Q - отнинг тирик вазни

12; 9 - ўзгармас коэффициентлар.

Отларнинг абсолют бажарган ишини аниклаш йули билан, шу ишни канча вақт ичида бажарганилигини ҳам билиш муҳим. Бунинг учун қувват деган махсус тушунча қабул қилинг. Яъни қувват деб отнинг маълум вақт ичида бажарган иш миқдорига айтилади. От қувватини қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$N = \frac{R}{T} = \frac{PS}{T} = PV$$

Бунда: N - қувват, км/сек.

R - механик иш.

T - вақт.

K - тортиш кучи

S - масофа.

V - тезлик.

Қувватнинг ўлчов бирлиги сифатида от кучи олинган. (1 от кучи - 75 кг м/сек). Тирик вазни 500 кг келадиган отлар учун бир от кучи нормал ҳисобланади.

Отларнинг узок вақт иш қобилиятини йўқотмаслиги ва қиска дам олишдан сўнг ўз кучини қайта тиклаши уларнинг чидамлилиқ (ишчанлик) қобилиятини белгилайди. Агар бунинг акси бўлса, отнинг чарчаши тушунилади. 450-500 кг келадиган урта вазнли отлар аравани ёки к/х машиналарига қўшиб ишлатиш учун бир кунга қуйидагича иш нормасини белгилаш мумкин :

Енгил иш - 700000 - 1500000 кг/м

Ўртача иш - 1500000 - 2000000 кг/м

Оғир иш - 2000000 - 3000000 кг/м

Отларнинг тўғри йўлда иш бажариш тезлиги маълум вақт ичида босиб ўтилган йўлнинг масофасига қараб аниқланади :

$$V = \frac{S}{T}$$

V - ҳаракат тезлиги (км/соат ёки м/сек.)

S - босиб ўтилган йўл,

T - сарфланган вақт.

Ҳақиқий, ўртача ва коммерик (шартли) тезликлар мавжуд. Ҳақиқий тезлик деб отнинг маълум вақт ичида қўрсатган тезлигига айтияди. От одимлаб иш бажарганда соатига 4-7 км ни босиб ўтса - ҳақиқий, йўртиб иш бажарганда эса соатига 9-15 км ни босиб ўтса - ўртача, илоҳиб иш бажарганда соатига 20-25 км ни босиб ўтса коммерик тезлиқни қўрсатиши мумкин. Агар от 1600 м масофани 2 мин 10 сек.да босиб ўтса, бу тезлик шу отнинг ўртача тезлигини аниқлатади.

Бир манзилдан иккинчи манзилгача етгунга қадар бўлган ўртача шартли тезлик коммерик тезлик деб айтилади. Тортиш кучи, ҳаракатланиш тезлиги ва

иш бажариш вақти уртасида узвий боғланиш мавжуд. Тезлик ошганда тортиш кучи камаяди.

Ишчи отлар бажараётган ишнинг миқдори ва сифатига қараб озиклантирилади. От қанча кўп иш бажарса, организми шунча кўп энергия сарфлайди, натижада озукка ҳам талаби ошади.

Отлар миниб ишлатилганда соатиға 12 - 15 км тезликда босиб утилган ҳар бир километр йўл ва 100 кг тирик вазнига нисбатан 0,0267 кг озик бирлигини сарфлайди. Ҳар бир килограмм озик бирлигида 80 мг хазмланувчи протеин, 4 - 5 г кальций, 4 -5 г фосфор, 10 - 15 мг каротин моддалари булиши шарт.

Агар ишлатилаётган отлар орик булса, бериладиган озук нормасини 3- 4 кг озик бирлиги ҳисобида кўпайтиришни талаб қилинади. Ишлатиладиган бўғоз ва эмизикли биялар рациондаги озик таркибида камида 115 г хазмланувчи протеин, 7 - 8 г кальций, 5 - 6 г фосфор ва 25 мг каротин бўлиши керак.

Рациондаги озикларни маълум тартибда бериш, иш отнинг озукани яхши хазм қилишини таъминлайди. Отларнинг ошқозони нисбатан кичик бўлгани учун улар одатда 3 марта озиклантирилади ва суғорилади. Отларга кечкурун хашак, эрталаб ва тушда концентрат озиклар бериш ем- хашакнинг исроф бўлишига чек қўйиш ҳамда отларнинг нормал ҳолатда булишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Отлар иссиқ кунлари суткасиға 60 л сув ичиши мумкин. Ёз пайтида иш отлари яйловда, ёки отхонада кук ут билан боқилади. Ўзбекистон шароитида оғир ишда ишлатилмайдиган отлар асосан курук ёки хўл беда билан боқилади. Оғир ишларда ишлатиладиган отларга эса бедадан ташқари концентрат, ширали ва витаминларга бой озиклар берилади.

Назорат саволлари:

- 1 Отнинг иши нималарга қараб белгиланади?
- 2 Тортиш кучи тушунчаси қандай изоҳланади?
- 3 Отларнинг тортиш кучи турлари қандай изоҳланади?
- 4 Профессор Горячкин В. П. Формулasi қандай изоҳланади?

- 5 Отларнинг абсолют бажарган иши қандай аниқланади?
- 6 От қуввати қандай формула асосида ҳисоблаб чиқилади?
- 7 Отнинг чарчаши тушунчаси қандай изоҳланади?
- 8 Ишчи отнинг иш нормасини аниқлаш қандай изоҳланади?
- 9 Мини ишлатиладиган отнинг иш нормаси қанча?
- 10 Ишчи отларни озиклантириш қандай кечади?

4.12. От спортининг классик турлари.

Уч қураш.

Уч қураш (троеборье) дастури ҳар хил одимлаб юриш усулларини, текис, 36 км га тенг бўлган масофани чоғиб ўтиш ва маълум кенгликдаги майдончада ўрнатилган ҳар хил баландликдаги ва турли шаклдаги тўсиқлардан сакраб ўтишни ўз ичига олади. Уч қураш масофаси дунё ва Европа биринчилиги учун ўтказилади, шу билан бирга у олимпиада дастурига киритилган.

Уч қураш мусобақалари кетма кет уч кун ичида ўтказилади. Чавандоз уч қурашнинг ҳамма турида фақат битта от билан катнашиши мумкин.

Конкур.

Конкурлар – маълум кенгликда қурилган, ҳар хил катталиқдаги ва турли шаклдаги тўсиқлардан сакраб ўтиш мусобақасидир (28-расм).



28- расм. “Конкур” мусобақаси.

Мусобақа езда очик майдонларда, қишда маҳсус манежда ўтказилади. Чавандоз ва отнинг тайёргарлик даражасига қараб мусобақа турлари

классларга булиб утказилади. Ҳар бир катнашувчи белгиланган маршрутда 13 -14 тусикдан отни сакратиб утиши лозим. Мусобақа вақтида чавандозга йул қуйган хатолари учун жарима очколари белгиланади. От сакрашдан бош тортганда биринчи марта 3 очко, иккинчи марта 6 очко, учинчи марта чавандоз умуман мусобақадан чиқарилади.

Охирида ижобий баллар йиғиндиси қушилиб, мусобақа ғолиби аниқланади.

Стиплъ – чез.

Стиплъ – чез деб отни очик майдонда, ипподромда ва хар хил тусиқлардан (арик, ёғоч тусиқ, махсус девор, чукурлик, кукатли девор ва бошк.) сакраб чоптиришга айтилади. Спортнинг бу тури кийин лекин жуда кизиқарлидир. Стиплъ – чез мусобақаси чавандоздан чакқонликни ва катта маҳоратни талаб қилади. Бундан ташқари у отнинг кучини масофа ва тусиқлар характериға қараб туғри тақсимлай олиши керак. Бу мусобақадаги масофа 1800 м дан 3600 м гача бўлиши мумкин. Тежалган хар бир секунда учун чавандозга 0.8 ижобий балл берилади.

Юқори даражада салт миниб юриш.

Юқори даражада салт миниб юриш, отни фойдали ва жуда чиройли харакатланишини намоиш этади. Олий даражадаги юришнинг харакатлари қуйидагилар: тисарилиш – от туғри чизик буйлаб тисарилади.

Ёнбош харакатланиш – от оёғи чапга, унга, кундлангига ва диагонал буйлаб ташланиши керак.

Галоп чопишида оёқларнинг алмаштириб ташланишини – бу харакатланиш усули жуда қийин ҳисобланади.

Ярим пируэт ва пируэт – одимлаб юриш ёки галоп чопиш вақтида отнинг орқа оёқлари жойидан қўзғалмасдан танасининг олдинги қисми айлана ясаб 180 – 360 градусга текис бурилади.

Пассаж – ритмик равишда калта йўртиш, яъни отнинг одими калта, лекин баланд булади, бунда от танаси ердан бироз кўтарилиб, оёқлари йиғилган ҳолда булади.

Пиаффе (29-расм) – отнинг жойида туриб йуртиш харакатларини бажариши, бунда ердан кутарилиш ҳолати бўлмайди

Узоқ масофага чопиш – отнинг пишиклиги ва чопиш тезлигини синаб куриш мақсадида утказилади. Масофа 7 км дан 100 км гача бўлиб, бу мусобакага соғлом, махсус тайёрланган ҳар хил зотли отлар қатнашиши мумкин.



29- расм. Олий даражада юришда “Пиаффе” ўйинининг бажарилиши.

Вольтижировка.

Вольтижировка деб – от устда гимнастик машқларни бажаришга айтилади. Бунда от диаметри 12 – 15 м бўлган доира бўйлаб галоп ёки йуртиш аллюри билан чопади. Доира марказида “кордовой” туриб машқ бажарилишини кузатади.

Отни махсус вольтижировка эгари билан эгарлаш лозим. Вольтижировка машқларига – от устига турли усулда ўтириш, от устидан сақраб туриш, турли айланмалар, стойкалар бажариш киради.

Қондаларда кўрсатилган тартиб бўйича ҳар бир усул учун очко ёки жарима балли белгиланади.

Стипль – чез мусобақалари учун от етиштиришда соф қонли салт минилувчи от зотининг энг муҳим линияларидан отлар танлаб олиниб, бу линияларни маданийлаштиришда улар бир томонлама тарбияланишига йул қўймаслик керак.

Стипль – чез ва уч кураш мусобакалари учун от етиштиришда соф конли англия салт минулувчи зотидан ташкари уларнинг дурагайларидам хам кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Араб, ахалтака ва уларнинг соф конли англия салт минулувчи зотидан бўлган дурагайлари конкур уйинлари талабига тулик жавоб беради.

Назорат саволлари:

1. Уч кураш мусобака дастурининг тавсифи қандай?
2. Конкур мусобака дастурининг тавсифи қандай изоҳланади?
3. Стипль – чез мусобака дастурининг тавсифи қандай изоҳланади?
4. Юкори даражада салт миниб юриш мусобака дастурининг тавсифи қандай изоҳланади?
5. Ярим пируэт ва пируэт усули қандай изоҳланади?
6. Пассаж усулини изоҳлаб беринг.
7. Пиаффе усулини изоҳлаб беринг.
8. Вольтижировка деб нимага тушунилади?
9. Стипль – чез мусобакасида қандай от зотлари қулланади ?

V – БОБ. ОТ ТУЁҚЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА ТАҚАЛАШ.

5.1. Отларни тақалаш.

Туёқли хайвонларда бармоқларнинг пастки томони шохсимон модда билан қопланган (капула). Капула унинг остида ётган туқималарни хар-хил таъсирлардан саклайди. Туёқнинг қаттик ва юмшоқ туқималари амортизатор вазифасини бажаради. Туёқнинг тузилиши мураккаб. Уни бармоқлар охирида узгарган тери деб билиш мумкин.

Суяк, боғламлар (калта пайлар), пайлар келиб чиқиши буйича терига алоқаси булмаганлиги учун улар туёқга тегишли эмас. Лекин тажрибада туёқ деб, шохсимон капуласида жойлашган барча туқималар тушунилади.

От бармоғи шартли равишда уч қисмга бўлинади:

Юқоридан пастга қараб 1 чи ва 2 чи фалангалар ва энг учиди 3 чи фаланга ёки бевосита туёқ жойлашади. Туёқ эса яна 3 қисмга бўлинади: туёқ жияги;

туёк айланаси ва туёк девори. Туёк жияги бармоқ терисини ва шохсимон капсулани ажратиб туради ва шох капсуланинг устки, ялтирок (глазурь) каватининг ўсиш жойи бўлиб ҳисобланади.


Шохсимон капсуланинг девори 3 каватдан иборат - устки ялтирок кавати, иккинчи қавати найсимон шох, ички кавати варақсимон шох. Туёк кафти - туёкнинг пастида жойлашган. У икки каватдан - тери асоси ва эпидермис шох каватидан иборат. Туёк кафтининг орқа қисмида бармоқ юмшоқ товонининг мағзи жойлашган. Мағзнинг устки қисмидан иккита юмшоқ товон тоғайлари ажралиб туради. Мағзнинг пастки қисми мағз ёстиғи ва стрелкага (понасимон шаклда) бўлинади.

Такаланинг асосий мақсади - туёк шохсимон капсуласини тез емирилишидан сақлаш ва унинг остида ётган юмшоқ туқималарни химоялашдир. Қимматбаҳо спорт отларини такалаш фақат юқори малакали мутахассисга юклантирилади. Такаловчи одам туёк анатомия ва физиологиясини яхши билиши керак.

Махсус даволовчи ёки ортопедик такалаш оёқларнинг нуксонларида, хайвон нотўғри ҳаракатланиши ва оёғини қуйишида ёки оёқлар бир-бирига тегиб урилишларида қуланилади. Бундай такалар шикастланишларни камайтиради ёки умуман бартараф этади. Нотўғри такалаш от ишчанлигини, унинг ҳужалик қийматини пасайтиради ва ишлатиш муддатини қисқатиради.

Отларни такалаш учун икки хил така қуланилади: юмшоқ пулатдан ясалган завод такалари ва қўлдан ясалган, аниқ отга мўлжалланган такалар. Стандарт такалар (30-расм) - 00; 0; 1 - 8 номерларда ишлаб чиқарилади. Такаларнинг пастки юзаси силлик ёки тишли бўлади. Олдинги оёқ туёқларининг такалари орқа оёқ такаларидан фарқ қилади, аммо улар ҳар вақтда ҳам туёқ шаклига тўғри келиши керак.

Тақада иккита шохи ажралиб туради - ички ва ташки. Ундан ташқари



30- рasm. Тишлари алмашинадиган орқа оёқ тақаси.
 а - юкори юзаси; б - пастки юзаси;
 1 - қайтарма; 2 - бухтовка; 3 - тиш учун тешик;
 4 - тақа тиши; 5 - мих йўлакчаси.


такада икки юзаси - юкори ва пастки; икки кирраси - ташки ва ички, мих йўлакчаси, мих тешиклари ва қайтармаси ажратилади. Таканинг ташки ва устки юзалари силлик бўлиши лозим, ясси туёқлар учун таканинг ички томонлари юпқарок (бухтовка) қилинади. Таканинг ҳар бир шоҳида 4 дан мих тешиклари ясалади. Аравага қўшиладиган от такаларида одатда 3-та тиш бўлади - олдида битта ва товон томонида иккита. Салт минилувчи ва спорт отларининг такаларида фақат товон тишлари бўлади.

Тақа михлари (31-рasm) махсус пўлат симдан тайёрланади. Мих ясси шаклда ясалади ва 6 номерга бўлинади (4 - 9). 4 - номерли михнинг узунлиги 45 мм, қалинлиги 5 мм ни ташкил этади. Михлар турли дефектлардан холи бўлиш лозим.



31-рasm. Тақа михлари.

Тақа тишлари (32-расм) турли шакл ва ўткирлиги билан бир - биридан ажралиб туради. Улар ер билан яхши ушланиш учун хизмат қиладилар. Гишлар доимий ва алмашилинадиган булади. Алмашилинадиган тишлар туртбурчак, куб ва конус шаклида ясалади.



32- расм. Тақа тишлари.

1– кубсимон; 2– исканасимон; 3– пирамидасимон; 4– “Н”симон.

Отни такалаш иши қуйидаги муолажалардан иборат: оёқ ва туёкни кўздан кечириш; эски такани олиб ташлаш; туёкни тозалаш ва такалашга тайёрлаш; туёкдан ўлчамлар олиш; такани туёкга мослаштириб бириктириш. Туёкни кўздан кечиришда унинг ишқаланиб емирилиш даражаси ва шаклига аҳамият берилади.


Отларда деформацияга учраган туёк ялпоқ, тулик, кисилган, қийшиқ, тик турувчи, ўткир бурчакли булиши мумкин. Ялпоқ туёкни қўп кесиш мумкин эмас. Уни думалоқ ёки шохлари энли такага такалаш лозим. Тулик туёкнинг кафт қисми девор четларидан пастга бўртиб чиқади. Бундай туёкга шохлари энли ва бухтовка килинган тақа михланади.

Қисик туёкнинг товон томонидаги бурчаклари бир-бирига жуда яқин жойлашади ва натижада унинг амортизацион хусусияти бузилади. Бундай туёк шохлари юмалоқ такага михланади. Қийшиқ туёк шаклини туғрилаш учун унга бир шохи нисбатдан калта тақа михланади. Тик туёкга шохлари калта ва олд қисми йўғон тақа бириктирилади. Мурт туёкларни юмалоқ такага михлаб ораларига юмшоқ нарса қуйилади.

Туёкни такалашдан олдин у тозаланиб, текисланади. Ундан кейин туёкдан ўлчамлар олинади (33-расм). Шу ўлчамлар бўйича янги тақа ясалади ёки

тайёр стандарт тақа олинади. Ўлчов оддий чизгич ёки чўп ёрдамида олинади.

Одатда туёкнинг 1 та узунлик ва 2 та кенглик ўлчовлари олинади. Туёк узунлиги унинг олд четидан товон бурчагигача ўлчанади. Кенглиги - бир марта туёкнинг энг кенг қисмида иккала ён четлари орасида ва иккинчи марта товон бурчаклари орасида ўлчанади. Учала ўлчамлар қўшилиб такани ясаш учун керакли темир парчасининг узунлиги аниқланади. Ундан ташқари, таканинг узунлигини аниқлаш мақсадида подометрдан фойдаланилади



33 -расм. Туёкдан ўлчамлар олиш:
1 - олдингисидан; 2 - орқадагисидан.

Тозаланган туёкка такани ўлчаб қуриш такани мослаштириш дейилади. Бу энг асосий операция ҳисобланади. Одатда туёкни тақага эмас балки такани туёкка мослаштириш зарур.

Тақа туёкга тўғри мослашган бўлса:

1. Тақа туёк деворининг ташқи чегараси буйлаб уни ёпиб туради.
2. Мих йулакчаси ва мих тешиклари оқ линия буйлаб мос тушади.
3. Тақа туёкдан олд томонда 0.5 - 1 мм; товон қисми томонида 3 - 5 мм чиқиб туради. Такани туёкга мослаштириш 2 усулда бажарилади.


Совуқ усул - бу усулда такани киздирмасдан кенгайтириш, торайтириш, текислаш мумкин. Бу усулдан стандарт тақаларни туёкга мослаганда қўлланади.

Иссиқ усул - туёк тозалангандан кейин ажратиб олинган тақа оқарганча киздирилади ва туёк устига 2 - 3 сонияга босилади. Қизиган тақа


туёкнинг нотекис жойларини қўйдиради ва унга тигиз мослашади. Айрим муаллифлар айтишича бу муолажа тўғри бажарилса, у туёқ деворига деярли салбий таъсир қилмайди. Лекин туёқ тозаланмасдан, унинг усган қисмини қўйдириб текислаш мақсадида қўйдириб ташлаш йўлини ишлатиш ёмон ҳисобланади чунки бу туёқ деформациясига олиб келади.

Такани туёқга бириктириш иши асосан 3 операциядан ташкил топган (34-расм):

1. Така михларини қоқиш. 2. Такани туёқга тортиш. 3. Мих учларини қайтариш.



34-расм. Такани туёқга бириктириш: А - така михларини қоқиш; Б - такани туёқга тортиш; В - мих учини қайтариш.



36-расм. Такачилик асбоблари: 1- обсечка; 2 - такачилик

болғаси; 3 - туёк эгови; 4 - тақачилик омбури; 5 - катта туёк пичоғи (секач); 6 - туёк пичоғи; 7 - тиш қалити.

Тақа туёққа бириктирилганда биринчи навбатда олдинги 2 та мих қоқилади ва туёк ерга тушириб қурилади, агар тақа жойидин бироз силжиса у болға билан уриб жойига тўғирланади ва қолган михлар қоқилади. Мух учларининг чиқиш жойи туёк деворининг 3/1пастки қисмида ёки пастки четидан 2 см юқорида бўлиши керак. Мухлар қоқилиб бўлгандан кейин болға билан мих учларига яна бир бор уриб қурилиши лозим, агар оғрик сезилса уша мих суғуриб олинади ва хайвон юргизиб қурилади. Одатда тақа 6-8 хафтада алмаштирилади, юмшоқ ерда юрган отлар купинча тақаланмайди.

Назорат саволлари:


- 1 Туёқнинг тузилишини изоҳлаб беринг.
- 2 Туёқнинг шохсимон капсуласи тузилишини изоҳлаб беринг.
- 3 Тақалашнинг асосий мақсади нимада?
- 4 Махсус даволовчи ёки ортопедик тақалашнинг моҳияти нимада?
- 5 Отларни тақалаш учун қандай тақалар қулланилади?
- 6 Таканинг тузилиши ?
- 7 Тақа михларининг тузилиши қандай?
- 8 Тақа тишларининг тузилиши қандай?
- 9 Туёқдан улчамлар олишни изоҳлаб беринг.
- 10 Туёқни тақалаш тартибини изоҳлаб беринг.

5.2. Спорт отларнинг туёқларини парваришлаш ва тақалаш хусусиятлари.

Машқ ва мусобақадан сўнг от туёқларини албатта қўздан кечириш лозим. Уларни лой, тошчалар, гўнг қишда эса ёпишган қордан махсус илмок ёки ёғоч қуракча ёрдамида тозалаш, кейин сув билан ювиш керак. Кечиктирилмасдан ўз вақтида таканинг ҳолати текширилади, туёқдаги лат ейишлар, туёқ айланаси соҳасида тирналишлар, стрелка ва туёқ ўқчасининг санчилган жароҳатлари, туёқ шохининг нуқсонлари аниқланади ва уларни

бартараф этишга чоралар кўрилади. Таканинг туёкга караган юзи текис ва силлик, туёкга тигиз бирикадиган булиши лозим. Така туёкга мос келиб кокилганда унинг шохлари туёк стрелкасига тегмаслиги керак. Шу билан биргаликда спорт отларни такаланинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан улар енгил, мустахкам булиши керак. Отларни мусобакага 3 - 4 кун колганда янги такага такаланиш лозим. Бунда хайвон янги такага ўрганишга улгуради.

Салт миниладиган ва тусиклардан сакраб утадиган отларнинг асосан олдинги оёқлари такаланади (37-расм).



37-расм. Ёзги такалар: а-олдинги така;
б-орка така; в-махсус така.


Таканинг оғирлиги 80 – 120 г. Қалинлиги 5 - 6 мм ва эни 8 мм булиб у мустахкам пулатдан ясалди. Бундай отлар такасининг кафт юзаси силлик булиб олдинги оёқлар учун қайтармаси булмайдди. Орка оёқлар учун мулжалланган такада эса қайтарма ясалди. Таканинг пастки юзасида чуқур мих йўлакчалари булиши керак. Юмшоқ ерда ҳаракатланиш учун эни 10 мм келадиган ярим така ишлатилади.

Куз – баҳор фаслларида кесими трапециясимон, эни 9 мм, қалинлиги 4 мм кафт юзаси ва эни 6 мм, пастки юзасида уткир учли тишлар ёки ингичка пластинкаси бор (баландлиги 8 мм, узунлиги 25 мм, қалинлиги 1,5 мм) така қўлланади. Орка оёқ такалари олд оёқни урмаслигини (засечка) таъминлаш максатида орка оёқ такасининг олд тиши ва олд оёқнинг орка тишлари

ичкарироқда жойлашади.

Уч ёки беш курашда катнашадиган отларни махсус бурчакли тақага такалаш лозим. Унинг пастки юзасининг ташки киррасида баландлиги 10 мм ва қалинлиги 2,5 мм келадиган тусиқ ясалади. Тақа шохларининг эни 14 мм, оғирлиги 180 г. Сирпанчик йўлда ҳаракатланганда тусиқда 4 – 6 тишчалар ясалади.

Қиш фаслида бундай отларни юмалок тақага такалаш лозим (38-расм). Унинг оғирлиги 180 – 200 г. Пастки юзасида 3 пастак ва узунчоқ тишлар ясалади. Тишлар тақанинг ичкарисига силжитилган бўлиши керак.



38-расм. Қишқи тақалар: а- олдинги тақа; в- аррасимон тақа.

Тусиқлардан сакраб утадиган отлар (конкур) енгил ва юпка яъни тақа қалинлиги туёқ деворига тенг булган тақага такаланади. Тақа туёқ деворидан ташқарига чиқиб турмаслиги ва олдинги тақаларнинг четлари ичкарига (пастга) қия қаратилиб йунилган бўлиши лозим. Тақага тишлар қўйилганда улар ҳам ичкарироқда жойлашишлари керак. Орқа оёқ тақаларида иккита қайтарма ясалади. Ундан ташқари от Березцов тақасига такалади. Унинг ёзги турида олд тақанинг тишлари булмайди, фақат олд ва орқа қисмлари йўғонлаштирилади. Тақанинг пастки юзасида чуқур мих йўлакчаси мавжуд. Орқа оёқнинг тақасида фақат орқа тишлари булади.

Узоқ масофага чопадиган отларни яхши об – хавода стандарт (300 г) ёки оғирлаштирилган Березцов тақасига такалаш керак. Сирпанчик ерда бурчакли тақа қўлланади.


Олий мактаб (виездка) машқларини бажарадиган отлар қўпинча

такаланмайди ва фақат туёклари тозаланиб турилади (киркилади). Керак пайтда олд оёклари силлик тишсиз, вазни 200 г келадиган такаларга такаланади.

Йўртоки отларнинг купинча олд оёклари такаланади. Олд оёклар учун такаларининг огирлиги 180 – 210 г, орка оёклар такаларининг огирлиги эса 120 – 180 г. Олд оёкларнинг такалари орка такаларга нисбатан 25 – 40 % огир келиши улар каттарок булиши билан боғлиқ булиб, йўрға отнинг туғри харакатини таъминлайдилар. Ҳаракати нуксонсиз йўрға отни саъл енгилроқ такага такалаш мумкин (150 – 180 г ва 120 – 150 г). Тақанинг эни 8 мм ва қалинлиги 4 мм дан кам булмаслиги лозим. Ёш отларни такаламаслик мумкин. Ипподромда синовдан ўтказиладиган отларнинг такалари юмалок шаклда ясалади. Уларнинг тишлари ичкарига қаратилган булиб ёзда олд такалардаги тишлар узунлиги 50 – 60 мм ва баландлиги 8 – 10 мм; қишда эса тишлар баландлиги 12 мм булиши керак.

Нотўғри такалашдан келиб чиқадиган асоратлар купинча така михини нотўғри кокишдан келиб чиқадиган туёк девори тери асосининг бевосита ёки билвосита жароҳатланишида хосил бўлади (39-расм).

Бевосита жароҳатда мих туёк тери асосини жароҳатлайди. Билвосита жароҳатда эса мих тери асосига жуда яқин ўтади ва уни сикади.



39-расм. Така михларининг нотўғри кокилиши :

- 1 - михнинг туғри жойлашиши;
- 2 - михнинг бевосита санчилиши «заковка»;
- 3 - иккига айрилган михнинг санчилиши;
- 4 - михнинг билвосита санчилиши.

Бу жойда кейинчалик яллиғланиш ривожланиб, ҳайвон 2-3 кундан сўнг

оксаб қолади. Мих қайта суғуриб олинса оксаш йуқолади. Янги бевосита жароҳатда мих жойидан олиниб жароҳат ичига шприц ёрдамида 5% ли йодли спирт эритмасини юбориш яхши натижа беради.

Назорат саволлари:

1. Машқ ва мусобақадан сунг от туёқларини қандай парваришлаш лозим?
2. Спорт отларини тақалашнинг қандай узиға хос хусусиятлари мавжуд?
3. Салт миниладиган ва тусиклардан сакраб утадиган отлар тақаларининг хусусиятлари, турлари, вазнини айтиб беринг.
4. Уч ёки беш курашда қатнашадиган отлар тақаларининг хусусиятлари, турлари, вазнини айтиб беринг.
5. Узоқ масофаға чопадиган отлар тақаларининг хусусиятлари, турлари, вазнини айтиб беринг.
6. Олий мактаб (виездка) машқларини бажарадиган отлар тақаларининг хусусиятлари, турлари, вазнини айтиб беринг.
7. Йуртоқи отлар тақаларининг хусусиятлари, турлари, вазнини айтиб беринг.
8. Нотўғри тақалашдан келиб чиқадиган асоратлар қандай булади?

Адабиётлар:

- 1 Дж. Куна. Т Кормление лошадей. М. Колос, 1983.
- 2 Свечин К.Б.,
Бобылев И.Ф. Коневодство. Л.Колос. 1984.
- 3 Турақулов З.Т.,
Мухтаров А.З.,
Холмирзаев Д.Х. Йилкичилик. Т. Мехнат, 1985.
- 4 Нарзиев Д.Х. Хайвонлар анатомияси. Т. Мехнат. 1986
- 5 Шакалов К.И. Частная ветеринарная хирургия. М. Колос. 1986.
- 6 Зокиров М.,
Хачатурова Л.,
Юсупов С. Чорвачилик терминларга оид русча – узбекча лугат. Т. Мехнат. 1990.